Давлатнинг фермер ва дехқон хўжаликларини ривожлантириш бўйича сиёсати. Хўжаликлар фаолиятига давлат аралашувининг йўналишлари. Фермер хўжаликларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид этиш учун ажратилаётган давлат траншлари. Хўжаликлар фаолиятини ривожлантиришга сарфлаётган инвестициялар, кредитлар, лизинг кредитлари, божхона тўловлари. Улар бўйича давлат томонидан фермер ва дехқон хўжаликларига берилаётган имтиёзлар. Фермер ва дехқон хўжаликларини давлат томонидан доимо қўллаб-қувватланиши. Тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизида ташкил этилган фермер хўжаликларининг ширкатлардан ўтган кредиторлик қарзларини тўлашни вақтинча тўхтатиш, уларга имтиёзли кредитлар бериш, божхона тўловларидан озод этиш ва бошқалар. Солиқ имтиёзлари. Фермер ва дехқон хўжаликларини иқтисодий мустақиллигига давлат аралашувини камайтириш йўллари. Фермер хўжаликлари фаолиятига давлатнинг аралашувига оид бўлган чет эл тажрибалари. Давлат дастурлари. Айрим маҳсулотларни экин майдонларини қисқартириб ялпи ҳосилини камайтирганлиги учун давлат томонидан рағбатлантириш.

6-мавзу. Дехқон ва фермер хўжаликларининг давлат ва бошқа корхона, ташкилотлар билан иқтисодий алоқалари ва уларни такомиллаштирилиши .

Эркин бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий муносабатларнинг зарурлиги. Иқтисодий муносабатлар субъекти ва объекти. Фермер ва дехқон хўжаликларини эркин фаолият юритиши учун давлат ва бошқа корхоналар, ташкилотлар билан амалга оширадиган иқтисодий муносабатлар тизими ва таркиби. Фермер, дехқон хўжаликлари томонидан амалга ошириладиган иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари. «Шартномалар тўғрисида»ги қонун. Контрактация, шартномалар. Фермер ва дехқон хўжаликларининг етиштираётган маҳсулотларини сотиш бўйича тузаётган шартномалари.



Ривожланган давлатлардаги шартномавий муносабатлар. Хўжаликларни ишлаб чиқариш ва турли хилдаги хизмат кўрсатиш корхоналари, ташкилотлари билан амалга ошириладиган муносабатлари.

7-мавзу. Қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги муносабатларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий шароитлари .

Қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатувчи корхоналари фаолиятини таҳлил этиш. Таққослаш усуллари ёрдамида қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий вазифалари. Қишлоқ хўжалик тармоқларини ривожланишининг табиий ва иқтисодий шароитлари. Қишлоқ хўжалигида ялпи ва товар маҳсулотлари. Корхоналарда меҳнатни ташкил этиш ва бошқариш. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари. Меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усуллари кўллашнинг аҳамияти. Корхоналарни турли иқтисодиётдаги ўрни ва уни ташкил этишнинг молиявий манбалари. Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи корхоналар ва уларнинг туркумланиши. Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги ўзаро иқтисодий алоқалар. Бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатувчи корхоналарни ҳуқуқий-иқтисодий имкониятлари.

8-мавзу. Хўжаликларнинг ер-сув ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш .

Ер ва сув ресурсларининг фермер ва деҳқон хўжаликлари иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти. Ер беришнинг ҳуқуқий асослари. Хўжаликларга бериладиган ер меъёрлари. Ер ва сув муносабатлари. Ерни фермер ва деҳқон хўжаликларига фойдаланишга бериш муддати. Берилаётган ерларнинг таркиби. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабга асосланган ҳолда экинларни жойлаштириш. Ерларнинг унумдорлиги ва уни аниқлаш. Хўжаликларнинг сув ресурсларига бўлган талаби. Сув муносабатлари. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси. Ерга ва сувга ҳақ тўлаш. Фермерларга ер солигини тўлашдаги имтиёзлар. Ердан, сувдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш йўллари. Экинларни алмашлаб экиш, уларни мақсадга мувофиқ жойлаштириш. Экинларни экишда, уларни суғоришдаги янги технологиялар. Ердан, сувдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Фермер ва деҳқон хўжаликларида ердан, сувдан фойдаланиш даражаси. Ривожланган давлатларда фермер хўжаликлардаги ер ва сув муносабатлари ҳамда ундан самарали фойдаланишдаги тажрибалар, уларни республикада кўллаш имкониятлари.

9-мавзу. Деҳқон ва фермер хўжаликларида меҳнат ресурслари ва улардан самарали фойдаланиш .

Фермер ва дехқон хўжаликларида меҳнат. Улардаги меҳнат ресурслари. Уларнинг ҳуқуқий асослари. Хўжаликларда меҳнат муносабатлари. Фермер ва дехқон хўжаликларида меҳнат ресурсларини ишга олиш тартиби. Индивидуал меҳнат шартномалари. Меҳнат ресурсларига бўлган талаб. Меҳнатга ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш. Меҳнат ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланганлик кўрсаткичлари. Меҳнат унумдорлиги. Фермер ва дехқон хўжаликларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш. Меҳнат ресурсларидан фойдаланишни яхшилаш ва юксалтириш йўллари. Чет эл фермер хўжаликларида ишчи ва хизматчилардан фойдаланишдаги тажрибалар. Уларда Республика фермер хўжаликларида фойдаланиш.

10-мавзу. Дехқон ва фермер хўжаликларининг мулки, уларнинг таркиби, шаклланиши ва улардан оқилона фойдаланиш йўллари .

Мулк. Шахсий ва хусусий мулк. Мулкчиликнинг ҳуқуқий асослари. Мулкнинг фермер ва дехқон хўжалиги иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти. Фермер ва дехқон хўжаликларининг мулки. Уй-жой, маблағлари, боғлари, техникалари, маҳсулотлари. Хўжаликларнинг мулкка эгалик қилиши, мулккий муносабатлари. Хўжаликларнинг мулкни барпо этиш тартиби, манбалари. Ўз маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар. Инвестицияларни, кредитларни жалб этиш тартиби. Фермер ва дехқон хўжаликларининг мулкларидан фойдаланиш даражасини самарадорлигини ифодаловчи. Хўжаликларнинг мулкларидан фойдаланишнинг ҳозирги даражаси. Фермер хўжаликларининг мулкларидан фойдаланишга оид чет эл тажрибалари.

11-мавзу. Ишлаб чиқаришга инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш йўналишлари .

Фермер ва дехқон хўжаликлари иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларнинг ижтимоий, иқтисодий аҳамияти. Инвестицияларнинг иқтисодий мазмуни, моҳияти. Хўжаликларни иқтисодиётини ривожлантиришда инвестицияларнинг зарурлиги. Инвестициялаштиришнинг ҳуқуқий асослари. Инвестицияларнинг турлари. Инвестицион маблағларни жалб этиш манбалари. Инвестицион лойихаларга баҳо бериш. Иқтисодий, ижтимоий. Фермер ва дехқон хўжаликларини кредитлаштириш. Фермер хўжаликларида инвестицияларни сарфлаш йўналишлари. Машина, техника воситаларини инвестициялаш. Ирригация ва мелиорация тадбирларини инвестициялаш. Чорвачиликни инвестициялаш. Боғдорчиликни инвестициялаш. Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Фермер хўжаликлари жалб этаётган инвестицияларнинг самарадорлигини ҳозирги даражаси. Инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари. Чет эл фермер хўжаликларида инвестицияларнинг самарадорлигига оид тажрибалар. Уларни республика шароитида қўллаш имкониятлари

12-мавзу. Дехқон ва фермер хўжаликларини моддий-техника ресурслари ва уларнинг маблағлар билан таъминланиши .

Фермер ва дехқон хўжаликларини ривожланишида моддий-техника ресурсларнинг ҳамда маблағларнинг аҳамияти. Хўжаликларни моддий-техника ресурслар ва маблағлар билан таъминланишнинг зарурлиги. Фермер ва дехқон хўжаликларининг моддий-техника ресурслари ҳамда маблағлари. Моддий-техника ресурсларидаги моддий ресурсларнинг ҳамда техника воситаларининг салмоғи. Хўжаликларнинг моддий-техника ресурслар билан таъминлаш тартиби. Тракторлар, машина-механизмлар, кимёвий воситалар ҳамда ёқилғи, ёнилғилар билан таъминлаш тартиби. Сотиб олиш, ижарага олиш. Хўжаликларни маблағлар билан таъминлаш тартиби. Ўз маблағлари ҳамда вақтинча жалб этилган маблағлар билан. Хўжаликларнинг моддий-техника ресурслар ҳамда маблағлар билан таъминланганлик даражасини аниқлаш тартиби. Фермер ва дехқон хўжаликлари ихтиёридаги моддий-техника ресурсларидан ҳамда маблағлардан тўлиқ ва самарали фойдаланганлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар. Хўжаликларда мавжуд бўлган моддий-техника ресурсларидан ва маблағлардан фойдаланишнинг ҳозирги даражаси. Фермер ва дехқон хўжаликларини моддий-техника ва маблағ ресурслари билан таъминлашни яхшилаш, улардан фойдаланиш даражасини ошириш йўллари. Чет эллардаги фермер хўжаликларининг машина, тракторлар билан таъминланиши.

13-мавзу. Дехқон ва фермер хўжаликлари моддий-техника таъминотининг ташкилий ва иқтисодий омиллари .

Қишлоқ хўжалигининг моддий-техника базаси тушунчаси. Қишлоқ хўжалигида ер ресурсларининг тутган ўрни. Қишлоқ хўжалиги моддий техника базасининг ўзига хос хусусиятлари. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техника таъминотини ташкилий омиллари. Қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техника таъминотининг иқтисодий омиллари. Қишлоқ хўжалигида лизинг ва унинг аҳамияти. МТП ва муқобил МТПлар ҳамда уларни ривожлантиришнинг зарурияти. Моддий-техника таъминотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

14-мавзу. Дехқон ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва уларни ривожлантириш йўллари.

Фермер ва дехқон хўжаликлари фаолиятини ривожлантиришда инфратузилма хизматларининг аҳамияти. Инфратузилма хизматларининг зарурлиги. Фермер ва дехқон хўжаликларини инфратузилма хизматларига бўлган талаби. Хўжаликлар фаолиятини ривожлантиришда кўрсатилаётган инфратузилма хизматлари. Ишлаб чиқариш инфратузилма хизматлари. Иқтисодий инфратузилма хизматлари. Ижтимоий инфратузилма хизматлари. Инфратузилма хизматларини баҳолаш, самарали вариантларини танлаш тартиби. Фермер ва дехқон хўжаликларига кўрсатилаётган инфратузилма хизматлари даражаси, уларнинг сифати.

Хўжаликларга инфратузилма хизматларини кўрсатишни яхшилаш ва ривожлантириш йўллари. Чет элларда фермер хўжаликларига инфратузилма хизматларини кўрсатишдаги тажрибалар. Уларни Республикада қўллаш имкониятлари.

15-мавзу. Қишлоқ хўжалигида ижтимоий инфратузилма ва уни ривожлантириш .

Қишлоқни ижтимоий ривожлантиришни мазмуни ва аҳамияти. Ижтимоий инфратузилманинг асосий жиҳатлари. Халқ истеъмоли назарияси, унинг асосий коидалари. Қишлоқда ижтимоий тармоқларни ривожлантиришнинг моҳияти. Ижтимоий инфратузилма тараққиётини бошқаришнинг асосий йўналишлари. Ижтимоий инфратузилмани ташкил этишнинг асосий вазифалари. Ижтимоий инфратузилма тармоқларининг ривожланишини белгиловчи кўрсаткичлар. Қишлоқда ижтимоий жараёнларни ўрганиш усуллари.

Маданий маиший хизмат кўрсатувчи муассасаларни қишлоқ аҳолисини турмуш даражасини оширишдаги роли. Қишлоқ жойларда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоғини ривожланиш таҳлили. Қишлоқ маданий хизмат кўрсатиш муассасаларини ўзига хос муаммолари ва хусусиятлари. Маиший хизмат кўрсатиш уюшмасининг таркибий тузилмаси ва вазифалари. Қишлоқларда маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоғида кадрлар тайёрлаш ва иқтисодий ҳамкорликлар.

16-мавзу. Дехқон ва фермер хўжаликларидида харажатлар, уларнинг таркиби ва камайтириш йўллари .

Фермер ва дехқон хўжаликлари иқтисодиётида харажатларнинг аҳамияти. Харажатларни туркумлаштирилиши. Унинг меъёрий асослари. Доимий ва ўзгарувчан харажатлар. Фермер хўжаликларининг жами ва ўртача харажатлари. Ишлаб чиқариш, давр, молиявий ва бошқа харажатлар. Моддий, меҳнат ва маблағ сарфлари. Хўжаликлардаги харажатларни ўзига хос хусусиятлари. Моддий, меҳнат ва маблағ харажатлари меъёри. Харажатларни камайтириш ҳамда маҳсулот таннархини аниқлаш тартиби ва уларни пасайтириш йўллари. Харажатлар бўйича чет эл тажрибалари. Уларни қўллаш масалалари.

17-мавзу. Дехқон ва фермер хўжаликларидида ялпи ва товар маҳсулоти, уларнинг тақсимланиши.

Қишлоқ хўжалигининг ялпи ва товар маҳсулоти. Тармоқнинг ялпи ва товар маҳсулотига бўлган талаби. Ялпи маҳсулот турлари. Ялпи маҳсулотни баҳолаш турлари. Ялпи маҳсулотнинг миқдори ва қиймати. Дехқончилик, чорвачиликнинг ялпи маҳсулоти. Ялпи маҳсулотини кўпайтириш йўллари. Экстенсив ва интенсив йўллар. Ялпи маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш йўллари. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг товарлилик даражаси. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлар бозори. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини биржаларда сотиш. Бозор иқтисодиёти

шароитида товар-пул муносабатлари. Қишлоқ хўжалигида қиймат қонунининг ҳаракат қилиши. Баҳо (нарх). Бозор иқтисодиётида маҳсулотларнинг, хизматларнинг баҳоларини белгилаш тартиби. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг, хизматларининг баҳоларини амалдаги даражаси, динамикаси. Ишлаб чиқариш ресурслари. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари баҳолари. Саноат маҳсулотлари билан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўртасидаги номутаносиблик. Давлат буюртмаларига ўрнатиладиган баҳолар. Дотация ва субсидия. Қишлоқ хўжалигидаги баҳоларнинг турлари.

18-мавзу. Қишлоқ хўжалигида тайёрлов тизими ва унинг ташкилий-иқтисодий асослари .

Тайёрлов тизимининг моҳияти, аҳамияти ва вазифалари. Тайёрлов тизимининг иқтисодий ва ташкилий амал қилишини такомиллаштириш масалалари. Маҳсулот сотиш ва ишлаб чиқариш фаолиятини ажратиш зарурияти. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва тайёрлов тизими корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар. Маҳсулот сотиш каналлари. Тайёрлов тизимини ривожлантириш муаммолари.

19-мавзу. Дехқон ва фермер хўжалиklarининг фойда ва даромадлари, уларнинг шакллантирилиши ва оқилона тақсимланиши .

Фермер ва дехқон хўжалиklarининг асосий мақсади. Фермер хўжалиklarининг ялпи ва пул даромади, фойдалари. Хўжаликнинг ялпи даромади. Ялпи ва соф пул тушуми. Ялпи даромадни ва пул тушумларини кўпайтириш имкониятлари. Ялпи даромадни, пул тушумини мақсадга мувофиқ тақсимлаш. Хўжалиklarнинг фойдалари. Фойдаларни мақсадга мувофиқ тақсимлаш. Хўжалиklarда фойдани кўпайтириш йўллари. Шу масалалар бўйича чет эл тажрибалари.

20-мавзу. Дехқон ва фермер хўжалиklarининг иқтисодий самарадорлиги ва уни ошириш йўллари .

Фермер ва дехқон хўжалиklари фаолияти самарадорлиги. Хўжалиklarни фаолиятини иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Фермер хўжалигининг барқарорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Хўжалиklarнинг ижтимоий самарадорлигини исботловчи кўрсаткичлар. Етиштирилаётган маҳсулотларнинг ҳамда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлик даражаси, динамикаси. Уларнинг рентабеллик даражаси. Фермер ва дехқон хўжалиklarини иқтисодий самарадорлигини юксалтириш йўллари.

3	<b>Ўқув курси бўйича маъруза ва семинар машғулотларини ўқитиш технологиясини ишлаб чиқишнинг концептуал қоидалари</b>
---	---

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар олий таълим тизими ўқув босқичлари учун ҳам янги талабларни келтириб чиқармоқда. Шундай талаблардан бири ўқув босқичида илғор педагогик ва таълим технологияларидан самарали фойдаланиш ҳисобланади. Таълим босқичида педагогик ва таълим технологияларидан фойдаланишдан асосий мақсад таълим олувчида етарли даражада билим, малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш асосида талабаларда эркин ва мустақил фикр баён қилиш кўникмаларини шакллантириш ҳисобланади. Таълим босқичларига замонавий педагогик технологияларни қўллашда таълим олувчининг шахсини ҳурмат қилиш, ҳар бир шахснинг эркин фикр билдиришига имконият яратиш, ижод билан шуғулланиши ва ўз-ўзини ривожлантиришга қулай ижтимоий ва психологик муҳит яратиш орқали талабани шахс сифатида мустақил фикрлашга ундайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлиснинг 14-сессиясида сўзлаган нутқида: «Бизнинг олдимизда озод фуқоро шахсининг маънавиятини, бошқача айтганда, озод ҳар томонлама ривожланган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, кучи ва қобилиятига ишониб таянадиган, атрофдаги ходисаларга ўзининг мустақил фикри ва муносабати мавжуд, ўз манфаатларини Ватан ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштирадиган шахсни тарбиялаш вазифаси турибди» деб таъкидлаган эди. Кадрлар тайёрлаш дастурида ҳам ўқув босқичида илғор педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш кўп марта такрорлаб ўтилган. Буларнинг барчаси «деҳқон ва фермер хўжалиги иқтисоди» махсус курси бўйича ўқув босқичини технологиясини ишлаб чиқишга сабаб бўлди. Ушбу курс бўйича ўқув босқичининг технологиясини ишлаб чиқишдаги асосий концептуал қоидалари куйидагилардан иборат:

**Шахсга йўналтирилган таълим.** Таълим босқичида қатнашувчи барча субъектларнинг кенг қамровли ривожланишини кўзда тутати. Бу босқичда талаба ўз ўқув фаолиятининг субъекти саналади ва педагог билан ҳамкорликда ягона таълим босқичини ташкил қилишда қатнашади ҳамда ҳар бир шахснинг эркин фикр билдиришига имкон яратилади.

**Тизимли ёндошув.** Таълим технологияси тўлиқлик, тизимли ёндошув ва ўзаро боғлиқлик каби белгиларни қамраб олиши керак.

**Фаолиятли ёндошув.** Фаолият шахсни ривожлантиришдаги энг муҳим ва ҳал қилувчи восита - асос ҳисобланади. Шу сабабли таълим олувчи шахснинг мустақил фикрлаши учун зарур сифатларни шакллантиришда унинг фаолиятини интенсивлаштириш ва фаоллаштириш, ўқув босқичида унинг барча имкониятларини, сифатларини намоён этишига, қарама-қарши ёки монанд фикр айтишига шароит яратиш лозим.

**Диалог ёндошув.** Таълим босқичининг талаба ва ўқитувчи ўртасидаги мулоқат шаклида ташкил қилинишини ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, психологик яқдиллик муҳитини яратишни тақоза қилади. Диалогик ёндошув асосида ташкил қилинган

дарсда кўриладиган масаланинг моҳиятига етиб бориш, тушуниш, англаш ва керак бўлса янги фикрлар билан тўлдириш имконияти юзага келади.

**Ҳамкорликдаги таълимни ташкил қилиш.** Талаба ва ўқитувчи муносабатларини демократлаштириш, тенглик, ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик, ўзаро ёрдамга асосланган ҳолда, фаолият мазмунини, мақсадини ва эришилган натижаларни ҳамкорликда баҳолайди. Асосий тамойиллари: гуруҳга умумий топширик, умумий рағбатлантириш, ўзининг ва гуруҳнинг бошқа аъзоларининг натижаларига масъулият, фаолият ҳамкорлиги ва натижага эришиш учун тенг имконият яратиш.

**Муаммоли таълим.** Муаммоли дарснинг асосий мақсади бахс ва мунозара асосида иштирокчиларнинг янги, мустақил фикрларга келиши, уларнинг турли вазиятларни илмий ва амалий таҳлил этиш орқали ўз фикрларини айтиб беришга ўргатиш бўлганлиги сабабли, талаба шахсида эркин, мустақил фикрлашни шакллантириш воситаси ҳисобланади. Муаммоли дарс мантиқий фикрлашни, илмий мушоҳада қилишини, ечимларни амалий фаолиятга ижодий қўллаш бўйича кўникмаларни ривожлантиради ва шакллантиради,

**Янги восита ва усулларни қўллаш.** Таълим босқичида компьютер ва информацион технологияларни жорий этиш орқали маълумотларни кўргазмали шаклда етказиб беради. Берилган концептуал қоидаларга ҳамда «деҳқон ва фермер хўжалиги иқтисоди» махсус курсининг мақсади, вазифалари, ҳажми ва мазмунига асосланган ҳолда таълим усули ва техникаси; ташкил қилиш шакли; воситаси; коммуникация усуллари; берилган маълумотларни назорат қилиш усул ва воситалари; баҳолаш ва назорат қилиш тартиблари аниқланди.

**Таълим усули ва техникаси.** Бахс-мунозара, муаммоли усул, «Ақлий ҳужум» усули, Инсерт, Т-схема, Диаграмма-Венна, Балиқ скелети, Конверт техникаси, Кейс-стади, маъруза (кўргазмали, тематик, муаммоли, информацион).

**Таълимни ташкил қилиш шакли.** Жамоа ва гуруҳлар бўйича, диалог ва полилогга асосланган, ўзаро суҳбат, ҳамкорликда ва бир-бирини ўқитиш.

**Таълим воситаси.** Дарслик, ўқув қўлланма, маъруза матни, масалалар тўплами, кодоскоп, графикли чизмалар, компьютерли ва информацион технологиялар.

**Коммуникация усуллари.** Бевосита ўқитувчи ва талаба ўртасидаги тезкор тескари (қарама-қарши) алоқага асосланади.

**Берилган маълумотларни назорат қилиш усул ва воситалари.** Кузатиш, блиц-сўров, жорий, оралик ва якуний назорат натижаларини таҳлил қилиш асосида ташҳис қилиш.

**Бошқариш восита ва усуллари.** Ўқув машғулоти технологик карта шаклида режалаштирилган, унда ўқув босқичининг асосий босқичлари, кўриладиган масалалари ва уларни назорат қилиш (жорий, оралик ва якуний) тартиблари аниқ кўрсатилган.

**Баҳолаш ва назорат қилиш.** Ҳар бир ўқув машғулоти босқичидаги ўқитиш натижаларини (ўқув топшириқларни бажариши ва тестларни баҳолаш, ҳар бир ўқув машғулотидаги талабанинг ўқув фаолияти рейтингини баҳолаш) ҳамда бутун махсус курс давомидаги (ҳар бир талабанинг жорий, оралик ва якуний натижаларини рейтинг тизими орқали баҳолаш) натижаларни баҳолаш.

## МАЪРУЗА ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРИДА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<b>1- мавзу</b>	<b>«Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари»</b>
-----------------	--

### 1.1. Маърузани ўқитиш технологияси

Ўқув соати: 2 соат.	Талабалар сони: 20 та
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Информацион маъруза
<i>Ўқув машғулотининг режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Қишлоқ хўжалиги аграр-иқтисодий ислохотларнинг зарурлиги, мумкинлиги.</li> <li>2. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва роли.</li> <li>3. Қишлоқ хўжалигидаги аграр-иқтисодий ислохотлар йўналишлари.</li> <li>4. Фермер ва дехқон хўжалиklarини шакллантириш зарурияти.</li> <li>5. Фермер ва дехқон хўжалиklarининг мамлакат озиқ-овқат программасини ҳал этишдаги ва қишлоқ хўжалигидаги ўрни, аҳамияти.</li> <li>6. Ўзбекистон Республикасида Фермер ва дехқон хўжалиklarини ривожлантиришнинг босқичлари.</li> </ol>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади</i>	Дехқон ва фермер хўжалигини ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамияти, зарурлиги ва функциялари тўғрисида талабаларнинг билимларини шакллантириш
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- ўқув фанининг мақсади, вазифалари ва бошқа фанлар тизимида тутган ўрнини тушунтириш;</li> <li>- ўқув фанининг таркиби ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати билан таништириш;</li> <li>- Дехқон ва фермер</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолияти натижаси:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- фаннинг мақсади, вазифаларини ва бошқа фанлар тизимидаги тутган ўрнини билиб шакллантира олади;</li> <li>- ўқув фанининг структурасини тушунтиради;</li> <li>- фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ва ўқув фаолиятини баҳолаш шаклларини тушунтиради;</li> <li>- Дехқон ва фермер хўжалигини</li> </ul>



<p>хўжалигининг иқтисодий аҳамияти, зарурияти ва унинг белгилари тўғрисида тушунча бериш;</p> <p>- Дехқон ва фермер хўжалигининг объектив зарурлигини ёритиб бериш;</p> <p>- бозор иқтисодиёти шароитида дехқон ва фермер хўжалиги соҳасини ташкил этувчи асосий омиллар ва объектларга характеристика бериш;</p> <p>- дехқон ва фермер хўжалигининг иқтисодиёт ривожланишига қўядиган улушини ёритиб бериш;</p> <p>- ялпи маҳсулотни тақсимлашда дехқон ва фермер хўжалигининг тутган ўрнини тушунтириб бериш.</p>	<p>ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамиятини, унинг омилларини изоҳлаб беради;</p> <p>- Дехқон ва фермер хўжалигидан давлат бюджетига келиб тушадиган валюта манбаларини очиб беради;</p> <p>-Дехқон ва фермер хўжалигининг макроиқтисодиётни ривожлантириш, бозор инфратузилмасини яратиш ва бошқа умумдавлат мақсадлари учун молиявий ресурслар тўплаш воситасидан бири эканлигини ёритиб беради;</p> <p>- Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодининг функциялари ва вазифаларининг асосий фарқларига характеристика беради;</p> <p>- аҳолини иш билан таъминлашда дехқон ва фермер хўжалигинг таъсир доирасини очиб бериш.</p>
<i>Ўқитиш услублари</i>	Маъруза, аклий ҳужум, Блиц-сўров, намойиш этиш.
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, маъруза матнлари, компьютер технологияси, графиклардан фойдаланиш.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоа бўлиб ишлаш, гуруҳларда ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари кўллаш мумкин бўлган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Тест ва назорат саволлари шаклида

1.1.1. **Маърузанинг технологик картаси. (1-машғулот)**

Иш босқич-лари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 минут)	<p>1.1.Ўқув курсининг асосий мазмуни, таркибий тузилиши ва ўтиладиган мавзулар билан таништиради.</p> <p>1.2.Ўқув курси бўйича жорий, оралик ва якуний назорат шакллари ва рейтинг баллари билан таништиради. (1.(1.1.1) - Илова)</p> <p>1.3.Асосий адабиётлар рўйхати тақдим этилади.</p> <p>1.4.Ўтиладиган мавзунинг мақсади ва кутиладиган натижани эълон қилади.</p> <p>1.5. Ўқув машғулотида баҳолаш меъзони эълон қилинади.</p> <p>1.6.Ўқув машғулотини ўтказиш тартибини тушунтиради.</p>	Эшитади.
2-босқич. Асосий босқич (60 минут)	<p>2.1. Машғулотнинг асосий вазифаларини ечиш учун талабалар гуруҳларига дехқон ва фермер хўжалиги тушунчалари бўйича ҳар хил фикрларни кўриб чиқиш топширилади.</p> <p>2.2. Бажарилган ишга талабалар баҳо берадилар. Гуруҳни баҳолаш жадвали илова қилинмоқда (2 (1.1.1) - Илова).</p> <p>2.3. Мавзу ёритилади.</p> <p>2.4. Дехқон ва фермер хўжалиги соҳасининг объектив зарурлигини тушунтиради. Маъруза ақлий хужум усулидан фойдаланилган ҳолда олиб борилади. (3 (1.1.1) - Илова).</p> <p>2.4.Тарқатма материал берилади.</p>	Талабалар 3 гуруҳга бўлинади ва берилган технологик усуллар бўйича ишлайди-лар. Гуруҳ бошлиқлари уларни химоя қилади.
3-босқич. Якуний босқич (10 минут)	<p>3.1. Ўтилган машғулот бўйича якун ясайди, улар қаерларда керак бўлиши айтилади.</p> <p>3.2.Талабалар фаолияти таҳлил қилинади.</p> <p>3.3.Мустақил тайёргарлик учун уйга қуйидаги вазифалар берилади;</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзбекистонда дехқон ва фермер хўжалиги ни ривожлантириш босқичларини ўрганиш;</li> <li>- дехқон ва фермер хўжалиг инфраструктурасининг мамлакат иқтисодиётида</li> </ul>	Талабалар эшитади, ёзиб олади.

### 1 (1.1.1) - Илова

**Баҳолаш мезонлари:** «Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисоди» курси бўйича талабалар қуйидаги рейтинг балларида баҳоланади:

50% - 50 балл - жорий баҳо;

20% - 20 балл – оралиқ баҳо;

30% - 30 балл – яқуний баҳо.

86-100% - 86 – 100 балл – «аъло»

71-85% - 71 –85 балл – «яхши»

55-70% -56–70 балл – «қониқарли»

### (1.1.1) - Илова

**Гуруҳни баҳолаш жадвали.**

Гуруҳ	Жавобларнинг аниқ, равшанлиги (1,0)	Ахборотнинг ишончлилиги (0,5)	Гуруҳ аъзосининг фаоллиги (0,5)	Умумий баллар	Баҳо
1					
2					
3					

Гуруҳ раҳбарининг чиқиб тушунтириб бериши:

1,5 - 2 балл – аъло

1,0 - 1,4 балл – яхши

0,5 - 0,9 балл – ўрта

### 3 (1.1.1) – Илова

**Дехқон ва фермер хўжалиги соҳасининг объектив зарурлигини ақлий ҳужум қويدаси асосида ёритиш.**

Ақлий ҳужум қоидалари:

- Ҳеч қандай ўзаро танқид ва баҳолаш бўлмаслиги керак!
- Таклиф қилинаётган ғояга баҳо беришдан сақлан, агар у жуда юқори ва бажарилиш эҳтимоли бўлмаса ҳам - ҳаммасига рухсат берилади.
- Барча келтирилган ғоялар қимматли ва тенг кучли – уларни танқид қилмаслик керак.
- Жавоб бераётганни тўхтатмаслик керак!
- Камчилик кўрсатишдан сақлан!
- Мақсад миқдор ҳисобланади!
- Қанча кўп фикр билдирилса шунчага яхши: Янги ва қимматли ғоянинг туғилишига эҳтимол шунчалик кўп бўлади.
- Фикрлар такрорланса эътибор бермаслик керак.
- Пайдо бўлган ғояни агар у сенинг назаринг бўйича қабул қилинган схемага жавоб бермаса ҳам ташлаб юбормаслик керак.
- Ушбу муоммани фақат мавжуд усуллар билан ечиш мумкин деб ўйлама.

1.1.2. Маърузанинг технологик картаси. (2-машғулот)

Иш босқичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчида	Талабада
1- босқич Кириш (10 мин)	<p>1.1.Маърузанинг мавзусини эслатади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2.Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (1 (1.1.2) - Илова).</p> <p>1.3.Ҳар бир талабага мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади.</p> <p>1.4.Мавзу бўйича маъруза машғулотни режасига изох беради.</p>	Эшитишади
2- босқич Асосий босқич (60 мин)	<p>2.1.Қуйидаги саволларга ўйлаб жавоб беришларини сўрайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Дехқон ва фермер хўжалиги соҳасида туроператорлик ва турагентлик ташкилотларининг роли қандай?</li> <li>- Ўзбекистон Дехқон ва фермер хўжалиги ҳақидаги қандай тамойилларга амал қилинади?</li> </ul> <p>Блиц-сўров ўтказади. Савол-жавоб босқичида аниқлаштирилади ва йўналтирилади. (2 (1.1.2) - Илова)</p> <p>2.2.Талабаларни 5-6 кишидан 4 гуруҳга тақсимлайди. Талабалар гуруҳларга бўлиниб ҳар бир хўжалик агентликлар турларининг таҳлилини ёзиб чиқишади.</p> <p>2.3.Презентация бошланиши тўғрисида эълон қилади. Маслаҳатчи сифатида қатнашади изох беради, аниқлаштиради ва ўзгартишлар киритади.</p> <p>2.4.Ҳар бир гуруҳнинг чиқишидан кейин ҳар бир савол бўйича хулоса қилади, талабаларнинг эътиборини ушбу мавзудаги масаланинг мазмунига қаратади.</p>	<p>Саволларга жавоб беришади.</p> <p>Гуруҳлар келишган ҳолда ишлашади. Фикр алмашишади. Муҳокама натижасида олинган маълумотларни сўзлаб бериш учун Т-схема тузишади. Гуруҳларнинг сардори тайёрланган маълумотлар асосида қўйилган масаланинг ечимлари бўйича ўз фикрларини беришади.</p>

3 - босқич Якуний босқич (10 мин)	3.3. Гурухларга ўзаро баҳолаш натижасини эълон қилишларини сўрайди. Натижаларга изоҳ беради. 3.4. Мустақил бажариш учун топширик беради: - Тест саволларига жавоб бериш (3 (1.1.2) - Илова)	Гурухлар ўзаро баҳолаш натижаларини эълон қилишади
--	---	--

### 1 (1.1.2) - Илова

Маъруза мавзуси бўйича талабаларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари. Маъруза машғулотини бўйича рейтинг:

1,5 - 2 балл – аъло

1,0 - 1,5 балл – яхши

0,5 - 1,0 балл - ўрта

### 2 (1.1.2) - Илова

#### Блиц-сўров

#### Мавзуни жонлантириш учун саволлар

1. Дехқон ва фермер хўжалиги соҳасини ривожлантириш учун қандай йўналишлар мавжуд?

2. Дехқон ва фермер хўжалигининг моддий базасини такомиллаштириш нима?

3. Ўзбекистонда дехқон ва фермер хўжалигининг шаклланиш босқичларини изоҳланг?

4. Иқтисодий ривожлантиришда дехқон ва фермер хўжалигининг таъсири қандай?

5. Ўзбекистонда дехқон ва фермер хўжалигининг қайси турларини кенг ривожлантириш мумкин?

6. Хўжаликларга маҳсулотларни тақдим этиш учун қандай вазифалар белгиланади?

7. Ўзбекистонда хўжалик минтақаларнинг жойлашуви қандай?

8. Дехқон ва фермер хўжалигида рекреацион ресурслар деганда нимани тушунади?

### **3 (1.1.2) – Илова**

#### **Назорат учун тест саволлари**

##### **1. Фермер хўжалиги деб қандай хўжаликка айтилади?**

А. Хўжаликка мустақил тарзда юритувчи, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлмаган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъект фермер хўжалиги ҳисобланади;

Б. Хўжалик мустақил тарзда юритувчи, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъект фермер хўжалиги бўлиб ҳисобланади;

В. Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, хўжалик мустақиллигига эга бўлмаган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъект фермер хўжалиги бўлиб ҳисобланади;

Г. Юридик шахс ҳуқуқига ва хўжалик мустақиллигига эга бўлмаган, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи субъект фермер хўжалиги бўлиб ҳисобланади;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

##### **2. Дехқон хўжалиги деб қандай хўжаликка айтилади?**

А. Дехқон хўжалиги ўз оиласи аъзоларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини қондириш мақсадида, шахсий меҳнати асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи субъектдир;

Б. Дехқон хўжалиги турли корхоналар талабини қондириш мақсадида, шахсий меҳнати асосида маҳсулотишлаб чиқарувчи субъектдир;

В. Дехқон хўжалиги оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаради;

Г. юқоридагиларни ҳаммаси тўғри;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

##### **3. Фермерлар ва дехқон хўжалиги ҳажмига қандай омиллар таъсир этади?**

А. Табиий шарт-шароитлар, хўжалик ишлаб чиқариш йўналиши;

Б. Ишлаб чиқариш интенсивлиги, хўжалик аъзоларининг асосий иш жойидан узоқлиги;

В. Инфратузилма хизматини қандай ташкил этилганлиги, хўжалик бошлиғини тадбиркорлиги қобилияти, уларни иқтисодий малакаси;

Г. Юқоридагиларни ҳамма тўғри;

Д. Тўғри жавоб йўқ.

**4. Андижон, Фарғона, Наманган, Самарқанд вилоятларидаги фермер хўжалигида 1-бош шартли қорамол ҳисобига қанча суғориладиган ер ажратилади?**

- А. 0,1 – гектардан;
- Б. 0,2 – гектардан;
- В. 0,3 – гектардан;
- Г. 0,4 – гектардан;
- Д. 0,5 – гектардан.

**5. Бошқа вилоятлар ва +орақалпоғистон Республикасида қанчадан суғориладиган ер ажратилади?**

- А. 0,15 – гектардан;
- Б. 0,25 – гектардан;
- В. 0,35 – гектардан;
- Г. 0,45 – гектардан;
- Д. 0,55 – гектардан.

**6. Фермер хўжаликларида лалмикор ерлардан қанчадан кам бўлмаслиги керак?**

- А. 1,0 – гектардан;
- Б. 2,0 – гектардан;
- В. 3,0 – гектардан;
- Г. 4,0 – гектардан;
- Д. 5,0 – гектардан;

**7. Фермер хўжаликларида пахтачилик ва ғаллачилик учун камида қанчадан ер ижарага берилади?**

- А. 5,0 – гектардан;
- Б. 10,0 – гектардан;
- В. 15,0 – гектардан;
- Г. 20,0 – гектардан;
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

**8. Фермер хўжаликларида боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошқа экинлар учун қанча ер ажратилади?**

- А. 2,0 гектардан;
- Б. 3,0 гектардан;

- В. 4,0 гектардан;
- Г. 5,0 гектардан;
- Д. Тўғри жавоб йўқ.

**9. Фермер хўжалигига ижарага ер қайси муддатгача берилиши мумкин?**

- А. 10 – йилгача;
- Б. 20 – йилгача;
- В. 30 – йилгача;
- Г. 40 – йилгача;
- Д. 50 – йилгача.

**10. “Фермер хўжалиги” рўхатдан ўтилгандан бошлаб неча йил ундан ер солиғи олинмайди?**

- А. 1 – йил давомида;
- Б. 2 – йил давомида;
- В. 3 – йил давомида;
- Г. 4 – йил давомида;
- Д. Тўғри жавоб йўқ.



## 2. Амалий машғулоти ўқитиш технологияси

2 соат.	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машғулоти шакли	Амалий машғулоти
Машғулоти режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Фермер ва деҳқон хўжаликлари иқтисоди ҳақида тушунча.</li> <li>2. «Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди» фанининг предмети ва субъектлари.</li> <li>3. Фаннинг мақсади ва вазифалари.</li> <li>4. «Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди» фанининг ўрганиш усуллари.</li> <li>5. Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги.</li> </ol>
Ўқув машғулоти мақсади:	Талабаларнинг деҳқон ва фермер хўжалиги тўғрисидаги назарий ва амалий билимларини мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.
<p><b>Педагогик вазифа:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- деҳқон ва фермер хўжалиги тўғрисидаги назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш;</li> <li>- деҳқон ва фермер хўжалиги соҳасининг омиллари тўғрисидаги назарий қарашларни ўрганиш;</li> <li>- деҳқон ва фермер хўжалиги иқтисодиётининг объектив зарурлигини ва иқтисодиётда тутган аҳамияти очиб бериш;</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижаси:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- деҳқон ва фермер хўжалиги ва унинг турлари тўғрисидаги назарий билимга эга бўлади;</li> <li>- деҳқон ва фермер хўжалиги соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий аҳамиятини ва объектив зарурлигини англайди ва ёритиб беради;</li> <li>- деҳқон ва фермер хўжалиги воситалари, омиллари ва муаммоли вазиятларни ҳал қилиш йўллари кўрсатиб беради;</li> <li>- деҳқон ва фермер хўжалиги соҳасини ривожлантиришга таъсир этувчи омилларнинг моҳиятини ёритиб беради;</li> <li>- Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжалиги ни ривожлантириш имкониятлари ҳақида тушунчага эга бўлади.</li> </ul>
Ўқитиш усуллари	Амалий машқ, «жамоа бўлиб ишлаш» усули;
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, эксперт варақлари, графиклардан фойдаланиш, Венна-диаграммаси, Т-схема.
Ўқитиш шакли	Гуруҳларда ишлаш усули.
Ўқитиш шарт-шароити	Техник воситалар билан таъминланган, гуруҳларда ишлаш усулини қўллаш мумкин бўлган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Назорат саволлари

### 1.2.1. Амалий машғулотнинг технологик картаси (1-машғулот)

Иш босқич-лари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич (40 мин)	<p>1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қилади.</p> <p>1.2. Амалий машғулотни ўтказиш хусусиятлари билан талабаларни таништиради.</p> <p>1.3. Мавзу бўйича топшириқларни тарқатади.</p> <p>1.4. Саволлар бериб талабаларнинг билимларини фаоллаштиради.(1(2.1.1) - Илова)</p>	Эшитишади ва ёзиб олишади
2-босқич (50 мин)	<p>2.1. Машғулотнинг асосий вазифаларини ечиш учун талабалар гуруҳларига деҳқон ва фермер хўжалиги тушунчаси бўйича ҳар хил фикрларни кўриб чиқиш ва тугагандан сўнг презентация қилишни топширади.</p> <p>2.2. Бажарилган ишга талабалар баҳо берадилар.</p> <p>2.3 Венна-диаграмма асосида деҳқон ва фермер хўжаликлар ўртасидаги умумийлик ва ҳамкорлик хусусиятлари аниқланади. (2 (2.1.1) - Илова)</p> <p>2.4. Талабалар фаолиятини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради</p> <p>2.5. Такдимотни эълон қилади.</p>	<p>Талабалар 4 гуруҳга бўлиниб ишлайдилар.</p> <p>Талабалар жавоб излайди ва ўзи ҳам фикрини гуруҳ раҳбарлари орқали қўшади.</p>
3-босқич 10 мин.	Ўтилган машғулот бўйича назорат саволларига жавоб бериш ва яқун ясаш. 3 (2.1.1) - Илова	Эшитади ва ёзиб олади.

#### 1(2.1.1) - Илова

##### Билимларни фаоллаштирувчи саволлар:

1. Деҳқон ва фермер хўжалиги соҳасини ривожлантириш учун қандай йўналишлар мавжуд?

2. Деҳқон ва фермер хўжалигининг моддий базасини такомиллаштириш нима?

3. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжалигининг шаклланиш босқичларини изоҳланг?

4. Иқтисодий ривожлантиришда деҳқон ва фермер хўжалигининг таъсири қандай?

5. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжалигининг қайси турларини кенг ривожлантириш мумкин?

6.Хўжаликларга махсулотларни тақдим этиш учун қандай вазифалар белгиланади?

7.Ўзбекистонда хўжалик минтақаларнинг жойлашуви қандай?

8.Дехқон ва фермер хўжалигида рекреацион ресурслар деганда нимани тушунади?

### Мустақил ишлаш учун назорат саволлари

1. Дехқон ва фермер хўжалигини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари нима?

2. Дехқон ва фермер хўжалигининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти нималардан иборат?

3. Дехқон ва фермер хўжалигини ривожлантиришдан асосий мақсад нима?

4. Дехқон ва фермер хўжалигини ривожлантириш дастури қачон қабул қилинган?

### 1.2.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси. (2-Машғулот)

Иш бос-қичлари	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1-босқич (15 мин)	<p>1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эслатади.</p> <p>1.2. Амалий машғулотни ўтказиш хусусиятлари билан талабаларни таништиради.</p> <p>1.3. Мавзу бўйича топшириқларни тарқатади.</p> <p>1.4.Саволлар бериб талабаларнинг билимларини фаоллаштиради.</p>	Эшитишади ва ёзиб олишади
2-босқич Асосий (55 мин)	<p>2.1. Машғулотнинг асосий вазифаларини ечиш учун талабалар гуруҳларига хўжалик ва хўжалик ташкилотлар тушунчаси бўйича ҳар хил фикрларни кўриб чиқиш, ёзиб чиқишни ва тугагандан сўнг презентация қилишни топширади.</p> <p>2.2. Бажарилган ишга талабалар баҳо берадилар (1 (1.2.2) - Илова)</p> <p>2.2 “Чархпалак” услуби асосида дехқон ва фермер хўжалиги ташкил этиш хусусиятлари аниқланади. (2 (1.2.2) - Илова)</p> <p>2.3. Муаммоли усулдан фойдаланиб,</p>	<p>Талабалар 4 гуруҳга бўлиниб ишлайдилар.</p> <p>Спикерлар 10-15 минут давомида жадвал маълумотлари</p>

	муаммоли ўқув топшириқларини ечиш (3 (1.2.2) - Илова). Ўқитувчи тўғри ахборотлар беради ва ёздиради, функция ва вазифани тушунтиради. 2.4. Талабалар билимини фаоллаштирувчи мустақил топшириқлар ва назорат саволлари берилади (4 (1.2.2) – Илова).	асосида ўз жавобларини ёзиб чиқади ва доскада презентация қилади.
3-босқич Яқуний 10 мин.	Ўтилган машғулотдаги муаммоли саволлар жавобларига яқун яшаш. Муаммоли усулдан қаерда кўпроқ қўлланишини айтиш. Ёзма муаммоли масалаларни курс ишлари, магистрлик ишларида қўллаш мақсадга мувофиқдир.	Эшитади ва ёзиб олади.

### 1 (1.2.2) - Илова

#### Гуруҳ бўйича баҳолаш мезонлари

Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳларни баҳолайди. Ҳар бир талаб бўйича – 3,5 балл

Гуруҳ №	Тушунарли ва аниқ жавоб (1,5)	Кўрғазмалилик (1,0)	Регламентга амал қилиш (0,5)	Гуруҳ фаоллиги (0,5)	Жами балл
1.					
2.					
3.					

#### Ҳисоб натижаси

Гуруҳлар №	Умумий балл	Умумий балл	Умумий балл	Умумий балл	Умумий балл
1.					
2.					
3.					
Умумий ҳисоб Баллари					
Баҳо					

- Баҳо: 2,4 – 3,5 балл – аъло баҳо  
 1,3 – 2,3 балл – яхши баҳо  
 0 – 1,2 балл – ўрта баҳо

**2 (1.2.2) - Илова**

“Чархпалак” услуги қويدаси.

3-4 гуруҳда талабалар иш олиб боради. Хар бир гуруҳга тугалланмаган фикрлардан иборат саволлар ёзилган ватман қоғози ва тўрт хил фламастер ёки маркер берилади. Саволлар айланиб хар бир гуруҳдан ўтади, жавоблар тўлдирилади ва савол ўз гуруҳига келгач ўйин тўхтатилади. Сўнг жавоблар йиғиб олингач, доскага ёпиштирилади ва муҳокама қилинади. Хар бир гуруҳдан вакил чиқиб ўзларининг жавобларини ўқиб беради. Энг асосли жавоб берган гуруҳ ғолиб ҳисобланади.

**3 (1.2.2) - Илова**

**Ўқув топшириқлар**

**1 – гуруҳ топшириғи:**

**1-масала.**

Дехқон ва фермер хўжалигида рентабеллик ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилинг?

Кўрсаткичлар	ўтган йил	ҳисобот йили
1. Сотилган турмахсулотнинг таннари, млн.сўм	2750	2650
2. Дехқон ва фермер хўжалиги маҳсулотини сотишдан олинган фойда, млн. сўм	500	450
3. Рентабеллик, фоиз	?	?

Фойда ҳажмининг ўзгариши ва унинг рентабелликка таъсирини топинг:

**2 – гуруҳ топшириғи:**

Дехқон ва фермер хўжалиги корхона активларига нисбатан рентабелликни таҳлил қилинг:

Кўрсаткичлар	ўтган йил	ҳисобот йили	фарқи (+,-)
1. Дехқон ва фермер хўжалиги корхона активлари жами, минг сўм	8050 490.0	9540 760.0	+1490 +270
2. Соф фойда, минг сўм	?	?	?
3. Рентабеллик, фоиз			

### **Муҳокама учун назорат саволлари.**

1.Дехқон ва фермер хўжалиги ташкилотларини молиялаштириш манбаларига нималар киради?

2.Дехқон ва фермер хўжалигида энг аҳамиятли хусусият ва критик омил нима?

3.Дехқон ва фермер хўжалиги соҳасига давлат томонидан қандай имтиёзлар белгиланади?

4.Дехқон ва фермер хўжалигларининг иқтисодий ривожланишида роли қандай?

5.Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжаликларига қандай имтиёзлар жорий қилинган?

2 мавзу	«Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди» фанининг предмети ,вазифалари ҳамда ўрганиш усуллари.
---------	---

### 2.1. Маърузани ўқитиш технологияси

4соат.	Талабалар сони: 20 та
Ўқув машгулотининг шакли	Информацион маъруза
Маъруза режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Фермер ва дехқон хўжаликлари иқтисоди ҳақида тушунча.</li> <li>2. Фаннинг мақсади ва вазифалари.</li> <li>3. Мақсад ва вазифаларини ўрганиш усуллари, фанни бошқа фанлар билан боғлиқлиги.</li> <li>4. Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги.</li> <li>5.Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик бизнесни амалга оширишни ташкил этиш.</li> <li>6.Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодининг хусусиятлари.</li> </ol>
Ўқув машгулотининг мақсади	Талабаларнинг дехқон ва фермер хўжалигини ривожланишидаги асосий омиллар тўғрисидаги билимларини мустаҳкалаш ва чуқурлаштириш.

<p><i>Педогогик вазифа:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- дехқон ва фермер хўжалиги соҳасидаги омилларнинг аҳамияти тўғрисида тушунча бериш;</li> <li>- дехқон ва фермер хўжалигида тармоқларнинг аҳамиятини очиб бериш;</li> <li>- хўжалик объектларнинг дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиётини ривожлантиришдаги ролини ёритиб бериш;</li> <li>- Ўзбекистонда хўжалик шакллари тақомиллаштиришнинг афзалликларини тушунтириб бериш;</li> <li>- бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик бизнесни амалга оширишни ташкил этишни ўргатиш;</li> <li>- дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиётининг иқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот бериш.</li> </ul>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Ўзбекистоннинг дехқон ва фермер хўжалиги ресурслари тўғрисида билимга эга бўлади;</li> <li>- дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиётининг статистик кўрсаткичлари тўғрисида маълумот беради;</li> <li>- дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодининг хусусиятларини айтиб беради;</li> <li>- хўжаликларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш бўйича фаолият режасини ишлаб чиқишни ўрганади;</li> <li>- дехқон ва фермер хўжалиги ни ривожлантиришда ҳукумат ва хусусий секторларнинг ролини изохлаб беради;</li> <li>- хўжалик фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солинишини ўрганади;</li> <li>- бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик бизнесни амалга оширишни ташкил қиладиган асослар тўғрисида тушунчага эга бўлади;</li> <li>- дехқон ва фермер хўжалиги асосий фарқларини тушунтириб беради;</li> <li>- дехқон ва фермер хўжалиги соҳасининг элементлари ва усуллари тўғрисидаги тушунчаларни айтиб берадилар;</li> <li>- дехқон ва фермер хўжалиги тармоғидаги хизмат кўрсатиш турларининг моҳиятини очиб беради.</li> </ul>
<p><i>Ўқитиш усуллари</i></p>	<p>Маъруза, блиц-сўров, Дельфин техникаси;</p>
<p><i>Ўқитиш воситалари</i></p>	<p>Маъруза матни, компьютер технологияси, эксперт варақлари, графиклардан фойдаланиш.</p>
<p><i>Ўқитиш шакли</i></p>	<p>«Жамоа бўлиб ишлаш», тўғри йўналтирилган ва гуруҳларда ишлаш усуллари.</p>
<p><i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i></p>	<p>Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган аудитория.</p>
<p><i>Мониторинг ва баҳолаш</i></p>	<p>Мулоҳаза саволлари</p>



### 2.1.1. Маърузанинг технологик картаси. (1- машғулот)

Иш босқичлари	Ўқитувчи фаолиятининг мазмуни	Талаба фаолиятида
1 - босқич Кириш (10 мин)	<p>1.1. Маърузанинг мавзусини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини тушунтиради (1 (2.1.1) – Илова).</p> <p>1.3. Ҳар бир талабага мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади.</p> <p>1.4. Мавзу бўйича маъруза машғулотининг режасига изоҳ беради.</p>	Эшитишади
2- Асосий босқич (60 мин)	<p>2.1. Қўйдаги саволларга ўйлаб жавоб беришларини сўрайди:</p> <p>-Хўжаликларнинг харажатлари нималардан иборат бўлади? (2 (2.1.1) – Илова).</p> <p>-Давлат томонидан деҳқон ва фермер хўжалиги ни ривожлантиришда қандай вазифалар амалга оширилади?</p> <p>-деҳқон ва фермер хўжалиги тушунчаси нимани ифодалайди? блиц-сўров ўтказилади. Савол-жавоб босқичида аниқлаштирилади ва йўналтирилади.</p> <p>2.2. Талабаларни 5-6 кишидан 4 гуруҳга тақсимлайди. Талабалар гуруҳларга бўлиниб хўжалик шакллари турларини ёзиб чиқишади. Гуруҳлар бир-бирини баҳолайди.</p> <p>2.3.Талабаларга эркин фикр айтишга руҳсат берилади ва уларни рағбатлантиради.</p> <p>2.4. Презентация бошланиши тўғрисида эълон қилади. Маслаҳатчи сифатида қатнашади. Изоҳ беради, аниқлаштиради ва ўзгартишлар киритади.</p>	<p>Саволларга жавоб беришади.</p> <p>Гуруҳлар келишган ҳолда ишлашади: ўқийди ва қўйилган саволларга маъруза матнидан жавоблар қидиришади. Фикр алмашишади. Муҳокама натижасида олинган маълумотларни сўзлаб бериш учун Т-схема тузишади.</p>

	2.5. Ҳар бир гуруҳнинг чиқишидан кейин ҳар бир савол бўйича хулоса қилади, талабаларнинг эътиборини ушбу мавзудаги масаланинг мазмунига қаратади.	Гуруҳларнинг сардори тайёрланган маълумотлар асосида қўйилган масаланинг ечимлари бўйича ўз фикрларини беришади.
3 - босқич Якуний босқич (10 мин)	Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади. 3.1. Гуруҳларга ўзаро баҳолаш натижасини эълон қилишларини сўрайди. Натижаларга изох беради (4 (2.1.1) – Илова). 3.2. Мустақил бажариш учун топширик беради: - Назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (3 (2.1.1) – Илова). 3.3. Навбатдаги маъруза машғулотида кўриладиган масалани эълон қилади ва мустақил тайёргарлик кўришларини сўрайди.	Гуруҳлар ўзаро баҳолаш натижаларини эълон қилишади  Мустақил ишлаш учун назорат саволларини ёзиб олишади.

### 1 (2.1.1) - Илова

Маъруза мавзуси бўйича талабаларнинг фаолиятини баҳолаш мезонлари кўрсаткичлари. Маъруза машғулотини бўйича рейтинг:

- 1,5 - 2 балл – аъло
- 1,0 - 1,5 балл – яхши
- 0,5 - 1,0 балл - ўрта

### 2 (2.1.1) - Илова

Т-схемадан фойдаланиб **хўжаликларнинг харажатлари** нималардан иборат бўлишини жадвалга ёзинг?

- |                               |                              |
|-------------------------------|------------------------------|
| 1. Уруғлик.                   | 5. Иш хақи.                  |
| 2. Овқатланиш ва ичимлик.     | 6. Ишбилармонлик хизматлари. |
| 3. Транспорт.                 | 7. Хўжалик хизматлар.        |
| 4. Маданий ва спорт фаолияти. | 8. Ўғитлар                   |

### Хўжаликларнинг харажатлар.

Тўғриси	Нотўғриси
1.	1.
2.	2.
3.	3.

### 3 (2.1.1) - Илова

#### Мустақил ишлаш учун назорат саволлар:

1. Ўзбекистонда деҳқон ва фермер хўжалигини ривожлантиришда ҳукумат ва хусусий секторларнинг роли қандай?

2. Давлат томонидан деҳқон ва фермер хўжалигини ривожлантириш мақсадида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

3. Деҳқон ва фермер хўжалиги иқтисодиётининг статистик маълумотлари қандай ҳисобланади?

4. Хўжаликларни Ўзбекистонга жалб қилишда қандай муаммоларга дуч келинмоқда?

5. Хўжалик фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши қандай амалга оширилади?

### 4 (2.1.1) - Илова

#### Эксперт гуруҳи иш натижаларини баҳолаш мезонлари

Мезонлар	Макс балл	Гуруҳ натижаларини баҳолаш			
		1	2	3	4
Маълумотларнинг тўлиқлиги	1,0				
Маълумотларнинг берилиши (графиклар асосида)	0,6				
Гуруҳларнинг фаоллиги (савол, жавоб, қўшимчалар)	0,4				
Максимал бал	2.0				

## 2.1.2. Маърузанинг технологик картаси. (2- машғулот)

Иш боскичлари	Фаолиятнинг мазмуни	
	Ўқитувчида	Талабада
1 - боскич Кириш (10 мин)	<p>1.1. Маърузанинг мавзусини эслатади, ўқув машғулотининг мақсади ва натижаларини тушунтиради.</p> <p>1.2. Машғулотни ўтказиш эълон қилади.</p> <p>1.3. Ҳар бир талабага мавзу бўйича тарқатма материалларни тарқатади.</p> <p>1.4. Мавзу бўйича маъруза машғулотининг режасига изоҳ беради.</p>	Эшитишади
2 - боскич Асосий боскич (60 мин)	<p>2.1. Қўйидаги саволларга ўйлаб жавоб беришларини сўрайди: - Мақсад ва вазифаларини ўрганиш усуллари</p> <p>-Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлиги.</p> <p>Блиц-сўров ўтказилади. Савол-жавоб боскичида аниқлаштирилади ва йўналтирилади. (1 (2.1.2)- Илова).</p> <p>2.2. Талабаларни 5-6 кишидан 4 гуруҳга тақсимлайди. Талабалар гуруҳларга бўлиниб ҳар бир маҳсулот нархи турларининг таҳлилини ёзиб чиқишади. Гуруҳлар бир-бирини баҳолайди. Т-схема ишлаб чиқади.</p> <p>2.3. Презентация бошланиши тўғрисида эълон қилади. Маслаҳатчи сифатида қатнашади. Изоҳ беради, аниқлаштиради ва ўзгартишлар киритади.</p> <p>2.4. Ҳар бир гуруҳнинг чиқишидан кейин ҳар бир савол бўйича хулоса қилади, талабаларнинг эътиборини ушбу мавзудаги масаланинг мазмунига қаратади.</p>	<p>Саволларга жавоб беришади.</p> <p>Гуруҳлар келишган ҳолда ишлашади: ўқийди ва қўйилган саволларга маъруза матнидан жавоблар кидиришади. Фикр алмашишади.</p> <p>Муҳокама натижасида олинган маълумотларни сўзлаб бериш учун Т-схема тузишади.</p> <p>Гуруҳларнинг сардори тайёрланган маълумот-лар асосида қўйилган масаланинг ечимлари бўйича ўз фикрларини беришади.</p>

3 - босқич Якуний босқич (10 мин)	3.1.Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади. 3.2.Гурухларга ўзаро баҳолаш натижасини эълон қилишларини сўрайди. 3.3.Мустақил бажариш учун топширик беради: - Назорат саволларига оғзаки жавоб бериш. (2 (2.1.2) – Илова). 3.4.Навбатдаги амалий машғулотда кўриладиган масалани эълон қилади ва мустақил тайёргарлик кўришларини сўрайди.	Гурухлар ўзаро баҳолаш натижаларини эълон қилишади  Мустақил ишлаш учун назорат саволлари ёзиб олишади.
--	---	---

### 1 (2.1.1) - Илова

**Ўзбекистонда Дехқон ва фермер хўжалигини ривожлантириш имкониятлари ва муаммолари бўйича Т-схемага ёзиб чиқинг:**

**Жавоблар:**

Имкониятлар	Муаммолар
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.

### 2 (2.1.2) - Илова

**Мустақил ишлаш учун назорат саволлар:**

1.Ўзбекистон Дехқон ва фермер хўжалиги каби хусусий секторнинг мукамал даражада ривожланишига қандай омиллар таъсир этмоқда?

2.Хўжалик маҳсулот ва хизматларга булган талаб ва таклиф нималардан иборат?

3.Бозор иқтисодиёти шароитида хўжаликлар қандай ташкил қилинади?

4.Хорижий мамлакатларда Фермер дехқон хўжаликларига қандай хизматлар тақдим этилади?

А. Дехқон хужалиги уз оиласи аъзоларини кишлок хужалиги махсулотларига булган талабини кондириш максадида, шахсий меҳнати асосида махсулот ишлаб чикарувчи субъектдир;

Б. Дехқон хужалиги турли корхоналар талабини кондириш максадида, шахсий меҳнати асосида махсулотишлаб чикарувчи субъектдир;

В. Дехқон хужалиги оилавий майда товар хужалиги булиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида кишлок хужалиги махсулотлари ишлаб чикаради;

Г. юкоридагиларни хаммаси тўғри;

Д. Тўғри жавоб йук.

**3. Фермерлар ва Дехқон хужалиги хажмига кандай омиллар таъсир этади?**

А. Табиий шарт-шароитлар, хужалик ишлаб чикариш йуналиши;

Б. Ишлаб чикариш интенсивлиги, хужалик аъзоларининг асосий иш жойидан узоклиги;

В. Инфратузилма хизматини кандай ташкил этилганлиги, хужалик бошлигини тадбиркорлиги кобилияти, уларни иктисодий малакаси;

Г. Юкоридагиларни хамма Тўғри;

Д. Тўғри жавоб йук.

**4. Андижон, Фаргона, Наманган, Самарканд вилоятларидаги фермер хужалигида 1-бош шартли корамол хисобига канча сугориладиган ер ажратилади?**

А. 0,1 – гектардан;

Б. 0,2 – гектардан;

В. 0,3 – гектардан;

Г. 0,4 – гектардан;

Д. 0,5 – гектардан.

**5. Бошка вилоятлар ва Коракалпогистон Республикасида канчадан сугориладиган ер ажратилади?**

А. 0,15 – гектардан;

- Б. 0,25 – гектардан;  
 В. 0,35 – гектардан;  
 Г. 0,45 – гектардан;  
 Д. 0,55 – гектардан.
6. **Фермер хужаликларига лалмикор ерлардан канчадан кам булмаслиги керак?**  
 А. 1,0 – гектардан;  
 Б. 2,0 – гектардан;  
 В. 3,0 – гектардан;  
 Г. 4,0 – гектардан;  
 Д. 5,0 – гектардан;
7. **Фермер хужаликларига пахтачилик ва галлачилик учун камида канчадан ер ижарага берилади?**  
 А. 5,0 – гектардан;  
 Б. 10,0 – гектардан;  
 В. 15,0 – гектардан;  
 Г. 20,0 – гектардан;  
 Д. Тўғри жавоб йук.
8. **Фермер хужаликларига богдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик ва бошка экинлар учун канча нр ажратилади?**  
 А. 2,0 гектардан;  
 Б. 3,0 гектардан;  
 В. 4,0 гектардан;  
 Г. 5,0 гектардан;  
 Д. Тўғри жавоб йук.
9. **Фермер хужалигига ижарага ер кайси муддатгача берилиши мумкин?**  
 А. 10 – йилгача;  
 Б. 20 – йилгача;  
 В. 30 – йилгача;  
 Г. 40 – йилгача;  
 Д. 50 – йилгача.
10. **“Фермер хужалиги” рухатдан утилгандан бошлаб неча йил ундан ер солиги олинмайди?**  
 А. 1 – йил давомида;  
 Б. 2 – йил давомида;  
 В. 3 – йил давомида;  
 Г. 4 – йил давомида;  
 Д. Тўғри жавоб йук.
11. **Ерга туланадиган хакка кайси омил таъсир этади?**  
 А. Ижарага берилган ерга сарфланган капитал маблаг, бу ерда тикланган иншоотлар амортизацияси;  
 Б. Бир гектар хисобига олинган фойда;  
 В. Ер майдони сифати, уни сув билан таъминланганлиги;  
 Г. Юкоридагиларни хаммаси;  
 Д. Тўғри жавоб йук.

**12. Фермер ва Дехқон хужалиги мол-мукларига нималар киради?**

- А. Уй – жойлар, хужалик иморатлари, кишлок хужалик экинлари ва кучатлар, дов – дарахтлар, чорва моллари;
- Б. Техника воситалари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари;
- В. Ишлаб чиқариш фаолияти, натижасида олинган махсулотлар, олинган даромад, пул маблағлари;
- Г. Юқоридагиларни ҳаммаси;
- Д. Тўғри жавоб йук.

**13. Фермер хужалиги аъзолари меҳнатига қандай ҳақ туланади?**

- А. Пул билан;
- Б. Натура билан;
- В. Пул ва натура билан;
- Г. Тўғри жавоб йук.
- Д. Ҳамма жавоб Тўғри

**14. Фермер хужалиқларининг пул жамғармаларининг ҳосил бўлиш манбаалари қўйидагилар бўлиши мумкин?**

- А. Фермер хужалиги аъзоларининг пул ва моддий маблағлари;
- Б. Товарлар ва хизматлар реализациясидан олинган даромадлар (фойдалар);
- В. Қимматли коғозлардан олинган даромадлар;
- Г. Кредитлар, хайриялар ва бошқа даромадлар;
- Д. Юқоридагиларни ҳаммаси.

**15. Фермер хужалиги ҳисоб-китоб счётидаги маблағлар қандай тасарруф қилинади?**

- А. Фермер хужалигининг узи эркин тасарруф этади;
- Б. Туман хокимининг руҳсати билан тасарруф қилинади;
- В. Ширкат, жамоа хужалиги руҳсати билан тасарруф қилинади;
- Г. Юқоридагиларни ҳаммаси Тўғри;
- Д. Тўғри жавоб йук.

**16. Фермер хужалигида иш тартибини ким белгилайди?**

- А. Фермер хужалигида иш тартибини хужалик бошлиғи белгилайди;
- Б. Фермер хужалигида иш тартибини ширкат ёки жамоа хужалиги белгилайди;
- В. Фермер хужалигида иш тартибини давлат томонидан белгиланади;
- Г. Юқоридагиларни ҳаммаси Тўғри;
- Д. Тўғри жавоб йук.

**17. Фермер, Дехқон хужалигида ишлаган вақт узлуксиз меҳнат стажига қушиб ҳисобланади агарда:**

- А. Фермер хужалиги қонун қоидаларига асосланиб, проғул қилмасдан ишласа;
- Б. Фермер хужалиги қонун қоидаларига асосланиб, доимий иш нормасини ошириб бажарса;
- В. Ижтимоий сугурта бадалларини туланганлигини тасдиқловчи хужжат бўлган тақдирда;
- Г. Юқоридагиларни ҳаммаси Тўғри;
- Д. Тўғри жавоб йук.

**18. Иш стажига оид меҳнат дафтарчаларини:**

- А. Фермер хужалиги бошлиги томонидан;
- Б. Ширкат хужалиги бошлиги томонидан;
- В. Қишлоқ кенгаши раиси томонидан;
- Г. Туман хокимиятини тегишли булими томонидан тасдикланади.

**19. Фермер хужалиги бошлигига куйидаги ҳуқуқлар берилган:**

- А. Хужалик томонидан иш куриш;
- Б. Юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиш;
- В. Ишонч коғозларини бериш, банкда ҳисоб варақларини очиш;
- Г. Юқоридагиларни ҳаммаси Тўғри;
- Д. Тўғри жавоб йук.

**20. Фермер, Дехқон хужалиги мол-мулкларидан унумли фойдаланиш йуналишлари:**

А. Мавжуд техника воситаларидан интенсив фойдаланиш, уларни уз вақтида таъмирлаш, хайдовчи малакасини ошириш, от-арава транспортдан фойдаланиш ва х.к.;

Б. Фермер ва Дехқон хужалиқларини иши кам кувватли, универсал, кичик хажмдаги техника воситалари ишлаб чиқаришни йулга куйиш;

В. Фермерларга иқтисодий таълим бериш учун курслар очиш;

Г. Юқоридагиларни ҳаммаси Тўғри;

Д. Тўғри жавоб йук.

**21. Ижарага олинган техника воситасига амортизация нормасига мувофиқ ижара хақи қандай белгиланади? Масалан: Т-28Х4 тракторини йиллик амортизация суммаси 25000 сум, техника берувчи қорхонани рентабеллиги 30 %. Шунда қунлик ижара хақи:**

А. 89,04 сумни;

Б. 95,51 сумни;

В. 100,0 сумни;

Г. 105,04 сумни ташкил этади.

**22. Фермер хужалиги экин майдонини қандай режалаштиради? Масалан: 2010 йилда фермер давлатга 30 т. бугдой, бошқа қорхоналарга 10 т., уз аъзоларига 5 т. бугдой сотмоқчи. Уруг экиш нормаси 1-гектарга 250 кг режалаштирган бугдой ҳосилдорлиги 20 ц. шунда қанча майдонга бугдой экилади:**

А. 20,5 гектар;

Б. 23,4 гектар;

В. 25,0 гектар;

Г. 27,7 гектар;

Д. Тўғри жавоб йук.

**23. Талаб қилинадиган шартли равишдаги ишловчилар сони қандай ааниқланади? Масалан: жами иш соати 10000 киши соат. қишлоқ хужалигида 1-йилда 280 кун ишлаши лозим. Бир сменадаги иш соати 7 соатдан иборат. Талаб қилинадиган ишловчилар:**

А. 1-киши;

Б. 2-киши;

В. 3-киши;

Г. 4-киши;

Д. 5-киши;







В. 4;

Г. 5;

Д. Тўғри жавоб йук.

38. **Дехқон хужалигини юритиш учун мазкур жойда неча йил яшаётган шахс ер олиши мумкин.**

А. 2;

Б. 3;

В. 4;

Г. Барча жавоб Тўғри;

Д. Тўғри жавоб йук.

39. **Фермер хужалигининг устави канча қисмдан иборат.**

А. 10;

Б. 12;

В. 14;

Г. 16;

Д. Тўғри жавоб йук.

40. **Қишлоқ хужалиги корхоналарининг тегишли хужжати ва уставини руйхатдан утказиш.**

А. Туман қишлоқ ва сув хужалиги булимида

Б. Тмун хокимиятида

В. Қишлоқва сув хужалиги вазирлигида

Г. Туман хусусийлаштириш ва тадбирлаштириш куланниши булимида

Д. Вилоят хокимиятида

41. **Қишлоқ хужалик корхоналари тузилган ва юридик шахс ҳуқуқига эга булган ҳисобланади.**

А. Уларни таъсис хужжати ва устави умумий йигилишида қабул қилинган кунидан

Б. Туман хокимиятида давлт руйхатидан утказилган кунидан

В. Экспертлар томонидан маъқулланган кундан

Г. Вилоят хокимиятида руйхатдан утказилган кундан

Д. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлигида руйхатдан утган кундан

42. **Дехқон, фермер ва ширкат хужалигини ташкилий асосини**

А. Бизнес-режа

Б. Таъсис хужжати ва устави

В. Шартномаси

Г. Қиска муддатли шартнома

Д. Узок муддатли шартнома

43. **Фермер хужалигини иктисодий асосини ташкил этади**

А. Давлат мулки

Б. Шахсий мулк

В. Хусусий мулк

Г. Хорижий мулк

Д. Акционерлик мулки

44. **Дехқон хужаликларини иктисодий асосини ташкил этади**

А. Давлат мулки

Б. Биргалиқдаги мулк

В. Хусусий мулк

Г. Ширкат мулки

Д. Шерикчилик мулки

**45. Қишлоқ хужалигида қўйидаги мулк шакллари мавжуд**

- А. Давлат, ижара, хусусий ва шерикли мулк
- Б. Ширкат, жамоа, шахсий, хорижий мулк
- В. Ширкат, хусусий, давлат, жамоа ва шахсий мулк
- Г. Жамоа, акционерлик
- Д. Кооператив ва давлат

**46. Бозор иктисодиёти шароитида интенсивлаштириш йуналишлари.**

- А. Янги ерларни узлаштириш
- Б. Мехнат унумдорлигини ошириш йуллари
- В. Фан-техника, технологияни ривожлантириб химиялаштириш, мелиорацияни, механизациялаштириш
- Г. Техникадан унумли фойдаланиш
- Д. Тўғри жавоб йук

**47. Корхонани иктисодий самарадорлик даражасини кайси курсаткич ифодалайди?**

- А. Таннарх даражаси, фондлар сизими
- Б. Даромадлилик, рентабеллик даражаси
- В. Хосилдолик, махсулдорлик
- Г. Фондлар киймати
- Д. Хамма жавоблар Тўғри.

**48. Рентабеллик даражасини аниклаш тартиби.**

- А. Ялпи махсулот кийматини ишчилар сонига таксимлаб
- Б. Фойда суммасини ер майдонига булиб
- В. Фойда суммасининг ишлаб чиқариш харажатларига (ишлаб чиқариш фондлари кийматига) таксимлаб ва 100 га купайтириб
- Г. Даромадни харажатларга купайтириб
- Д. Хамма жавоблар Тўғри.

**49. Бозор иктисодиётига утаётган даврда янгитдан барпо этилган хужаликлар?**

- А. Ижара, Дехқон хужаликлари, майда, кушма корхоналар
- Б. Совхозлар, бирлашмалар, заводлар
- В. Колхозлар
- Г. Агрофирмалар
- Д. Хамма жавоблар Тўғри.

**50. Қишлоқ хужалигида қандай турдаги хужаликларни давлат корхоналари дейиш мумкин?**

- А. Кооператив корхоналарини
- Б. Дехқон, ижара хужаликларини
- В. Пахта тозалаш заводларини
- Г. Фермер хужаликларини
- Д. Тўғри жавоб йук

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**“ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ  
ИҚТИСОДИЁТИ ”  
ФАНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН  
ГЛОССАРИЙ**

**Асосий фаолиятдан кўрилган фойда** - маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойд билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади.

**Акциядорлар жамияти** - устав фонди муайян акциялар сонига бўлинган жамият.

**Асосий тармоқ** - корхонанинг жами товар маҳсулотида ёки ялпи маҳсулотида энг катта салмоққа эга бўлган, унинг мақсад ва вазифаларини ифодоловчи ҳамда ихтисослашишини белгиловчи тармоқ.

**Алмашлаб экиш** - экинларнинг йиллар давомида маълум далаларда режали тартибда навбати билан алмашиб турилиши.

**Асосий иш ҳақи** – агротехника, зоотехника ҳамда ташкилий хўжалик талабларига кўра, белгиланган иш, маҳсулот етиштириш меъёрини бажарганлиги учун олдиндан белгилаб қўйилган ставка ёки расценка, лавозим оклади учун тўланадиган иш ҳақи.

**Аккорд мукофот ҳақ тўлаш тизими** - иш ҳақи маълум бригада ёки звено бўйича, чорвачилик тармоқларида бундан ташқари, айрим ишчилар категорияси бўйича ҳақиқатда етиштирган маҳсулотлар бирлигига олдиндан белгилаб қўйилган иш ҳақи ҳажмида (расценкасида) тўланади.

**Баланс режа** - корхонадаги молиявий маблағлардан фойдаланиш тузилиши ва активлари таркибининг режа даври охиридаги натижаларини прогнозлаштириш жараёнини акс эттиради.

**Бевосита харажатлар** - битта маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ, миқдори ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига нисбатан ўзгарувчан харажатлар.

**Билвосита харажатлар** - ёрдамчи ишчиларга вақтбай иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқариш асосий воситаларининг амортизацияси, ишлаб чиқариш асосий воситаларини сақлаш, жорий ва капитал ремонт қилиш ва маҳсулот ҳажмининг ўзгаришидан қатъи назар нисбатан доимий бўлиб қоладиган бошқа харажатлар сингари ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ ишлаб чиқариш аҳамиятидаги харажатлар.

**Бизнес** – соҳибкорлик – тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан шуғулланиш.

**Бўлинмас фонд** - қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) устав фонди қийматининг бир қисми бўлиб, у ширкат хўжалиги тасарруфида қолади ва пайчи аъзолар ўртасида тақсимланмайди.

**Вақтбай ҳақ тўлаш** - ходимларнинг сарфланган иш вақти, яъни соат, смена, кун учун тўланадиган иш ҳақи тизими.

**Вақтбай мукофот тизими** - ходимларнинг иш бажарган вақтлари (соат, смена, кун, ой ва ҳ.к.) учун тўловдан ташқари маълум кўрсаткичлар учун мукофот берилади.

**Даромадлар** - ҳисобот даврида активларнинг кўпайиши ёхуд мажбуриятларнинг камайиши.

**Давлат буюртмалари** – давлат томонидан муайян маҳсулот турини (ҳозирги кунда пахта ва ғаллани) етказиб бериш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари билан тузилган шартнома-топширик.

**Дотация** – давлат бюджетидан қайтариб берилмаслик шарти билан маблағ ажратиш, иктисодиётга (айниқса қишлоқ хўжалигига хос) бюджет орқали таъсир этиш воситаларидан бири.

**Дивиденд** — соф фойданинг солиқлар, йиғимлар ва бошқа тўловлар тўланганидан кейин ширкат хўжалиги (акциядорлар жамияти) ихтиёрида қоладиган ва аъзолар ўртасида тақсимланиши лозим бўлган қисми.

**Дехқон хўжалиги** - оилавий майда товар хўжалиги, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиради ва реализация қилади.

**Дехқончилик тизими** - деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш учун ердан тўла фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини оширишга қаратилган, ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тўлдирадиган ташкилий-агротехник тадбирлар йиғиндиси.

**Ер трансформацияси** - қишлоқ хўжалигига яроқли ерларни бир турдан бошқа турга ўтказилиши, ер фондига таркибий ўзгартиришлар киритилиши.

**Ер солиғи** - ердан фойдаланганлик учун ер участкасининг сифатига, жойлашган манзилига ва сув билан таъминланганлик даражасига қараб, унинг кадастр баҳосини инобатга олган ҳолда хўжаликлар томонидан давлатга тўланадиган ижара ҳақи.

**Ер участкаси** - ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режими ҳамда давлат ер кадастри ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларига, давлат рўйхатидан ўтказиш ҳужжатларида акс этириладиган бошқа жаҳатларга эга бўлган муайян қисми.

**Ер рентаси** – бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан яратиладиган қўшимча маҳсулотнинг ер эгалари томонидан ўзлаштириладиган қисми.

**Ем-хашак баланси** – корхона учун зарур ем-хашакнинг ҳамма турлари кўрсатилган, ем-хашаклар жисмоний ҳолидагина эмас, балки озиқ турларида ва ўзлаштириладиган оксил моддалари тарзида ҳам ҳисобга олинадиган иш ҳужжати.

**Ёпиқ акциядорлар жамияти** - акциялари фақат ўзининг муассислари орасида ёки олдиндан белгилаб қўйиладиган бошқа шахслар доирасида тақсимланадиган, ўзи чиқарадиган акцияларга очик обуна ўтказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган доирадаги шахсларга бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли бўлмаган жамият.

**Ёрдамчи тармоқ** – корхонанинг товар маҳсулоти бўйича асосий тармоғидан кейинги ўринда турадиган, асосий тармоқ билан технологик ҳамда ташкилий жиҳатдан боғланган, асосий тармоқнинг муттасил ривожланиб бориши учун бевосита ёрдам кўрсатадиган тармоқ.

**Жорий ёки йиллик режалар** – корхона ва унинг дастлабки ишлаб чиқариш бўлинмалари (бригада, ферма, оила пудрати) йиллик ишлаб чиқариш режа ва топшириқлари киради.

**Ижара** – мол-мулкни ёллаш бўйича шартнома, унга кўра бир томон (ижарага берувчи) иккинчи томонга (ижарачига) маълум тўлов эвазига мол-мулкни вақтинча фойдаланиш учун беради.

**Инфраструктура** – ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳага хизмат кўрсатувчи тузилмалар.

**Ипотека** – ссуда олиш мақсадида кўчмас мулкни гаровга қўйиш.

**Ишлаб чиқариш кооперативи** - фуқароларнинг шахсий иштирок этиш ҳамда аъзоларнинг (иштирокчиларнинг) мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хўжалик фаолиятини олиб бориш учун аъзолик негизидаги ихтиёрий бирлашмаси.

**Ихтисослаштириш** – мавжуд табиий-иқлимий шарт-шароитлар ва бошқа омиллар таъсирида у ёки бу маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга мослашув.

**Ишлаб чиқариш концентрацияси** - қишлоқ хўжалигида ихтисослаштириш тобора чуқурлашиб, ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучлари ва бунинг натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнининг мужассамланиб бориши жараёни.

**Истиқболли режалар** – узоқ муддатли даврлар учун корхонани иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш нисбатлари ва йўналишларини белгилаб берувчи режалар.

**Ишбай-мукофот ҳақ тўлаш** - бажарилган ишлар учун ва етиштирилган маҳсулот учун тўланадиган иш ҳақи тизими.

**Лимитлар** – хўжалик фаолияти турли жиҳатларининг миқдоран чекланиши ёки моддий хом ашё ресурслари сарфининг чекланган меъёрлари.

**Лицензия** – иқтисодий, техникавий, илмий ва бошқа характердаги янгиликларни ишлатишга, давлат томонидан бирор-бир фаолият тури билан шуғулланишга бериладиган рухсат.

**Локтация даври** – бузоклаган сигирларнинг сут бериш давомийлиги муддати.

**Маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда** - маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тавофут.

**Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш** – ходимларнинг ҳақиқатда бажарган иши ёки етиштирган маҳсулотига тўланадиган иш ҳақи тизими.

**Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими** – ўзаро боғланган, бир мақсадга қаратилган, бир-бирини тўлдирувчи турли ҳақ тўлаш шаклларининг ўзаро йиғиндиси.

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг оддий чегараланмаган тизими** - ходимларга иш ҳақи меҳнат меъерининг бажарилиш даражасидан қатъи назар ўзгармаган ставка ва расценкаларда тўланиб борилади.

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ишбай прогрессив тизими** - меъёрдан ортик бажарилган иш ёки етиштирилган маҳсулот учун прогрессив ортиб борувчи ставка ёки расценка бўйича ҳақ тўлаш.

**Монополия** – иқтисодийнинг бирор соҳаси ёки бирор турдаги товарлар, ишлар ва хизматлар бозорида танҳо ҳукмронлик.

**Молиявий натижалар** - хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятнинг пировард иқтисодий якуни.

**Молиявий режалаштириш** - муайян муддат учун молиявий ресурслар ҳаракати ва тегишли молиявий муносабатлар ҳаракатини асослашдан иборат жараён.

**Оддий вақтбай иш ҳақи** - ходимларнинг иш бажарган вақтлари (соат, смена, кун, ой ва х.к.) учун тўлаб борилади.

**Озиқ рациони** - чорва молларига бериладиган ем-хашак турларини ва уларнинг озиқ меъёридаги салмоғини ифода қиладиган ҳужжат.

**Очиқ акциядорлар жамияти** - иштирокчилар ўзларига қаршли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз ўзга шахсларга беришлари мумкин бўлган жамият.

**Оператив иш режалари** – мавсумий характерга эга бўлган соҳаларда айрим иш даврлари (экиш, ҳосилни йиғиб-териб олиш, қўзилатиш, чорва молларини семиртириш ва х.к.) учун тузилган, ишлаб чиқариш бир меъёрда кечадиган соҳаларда эса чорак, ойлар (сут, гўшт етиштириш) бўйича тузилган режалардан ва айрим ишларни бажариш учун берилган муддатли режа нарядлар.

**Пайчилик муносабатлари** – шерикчилик асосида бизнес юритишга ҳисса қўшиш ва шу ҳиссага қараб даромад кўриш соҳасидаги иқтисодий муносабатлар.

**Пай фонди** - ширкат хўжалиги уставига мувофиқ ширкат хўжалиги аъзоларининг қийматда ифодаланган мулккий пайлари, ҳар бир аъзонинг ширкат хўжалиги пай фондидаги улуши.

**Подани такрор ишлаб чиқариш** - чорва моллари сонини доимо янгилаб бориш, бош сонини кўпайтириб бориш, моллар зотини яхшилаш жараёни.

**Пода таркиби** - айрим жинс ва ёшдаги моллар гуруҳларининг маълум муддатларда умумий подадаги салмоғи.

**Пода обороти** – чорва молларини ишлаб чиқариш ва хўжалик ихтисосига кўра улар бош сонининг ёш ва жинс гуруҳлари бўйича маълум муддат давомида ўзгариб туриши.

**Пул маблағларининг тушуми ва чиқими режаси** - корхона пул оқимларини прогнозлаштириш натижаларини акс эттиришга қаратилган, пул маблағларининг йил бошидаги қолдиқ кўрсаткичи, режа давридаги тушум ва чиқими ҳамда пул маблағларининг йил охиридаги қолдиқ кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган режа тури.

**Рента даромадлари** – ер эгаларининг қишлоқ хўжалиги ерларини фойдаланишга бериш натижасида оладиган даромадлари.

**Рентабеллик** – тармоқ ёки корхонанинг фойда олиб ишлаши, активлар, сотилган маҳсулот ёки ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан фойдалилик даражасини кўрсатади.

**Режалаштириш** – корхонани иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш йўллари ва суръати, тармоқлар ва бўлинмалар, такрор ишлаб чиқаришнинг

асосий бўғинлари ўртасида тўғри муносибликни (пропорционалликка) ташкил этиш жараёни, бошқаришнинг таркибий қисмларидан бири бўлиб, у иқтисодий тизимнинг келгуси ҳолатини, унга эришиш йўллари, усуллари ва воситаларини белгилаб берувчи режаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллашдан иборат.

**Режа-наряд** - ишнинг хусусиятига кўра, индивидуал ходимга, ишчиларнинг майда гуруҳига, трактор отрядига ёки агрегатига қисқа муддатга (бир, беш кун ва декадага) бериладиган режа топшириқлар.

**Солиқ имтиёзлари** – муайян турдаги ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан солиқ тўлашда бериладиган имтиёзлар.

**Солиқ тўлангунгача олинган фойда** - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарарлар сифатида аниқланади.

**Тармоқ** - қўлланилаётган воситалар, ишлаб чиқариш технологияси, ташкил қилиш хусусияти ҳамда маҳсулотлардан фойдаланиш тартибига кўра бир-биридан фарқ қиладиган ишлаб чиқаришнинг бир қисми.

**Таъриф иш ҳақи фонди** - ишлаб чиқариш технологиясига кўра бажариладиган ишнинг ҳажми, меъёри ва разряди ставкасига кўра аниқланадиган иш ҳақи фонди.

**Таъриф жадвали** – меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари, таъриф коэффицентлари ва ставкаларини ичига олган жадвал.

**Технологик карта** - айрим экин турлари бўйича маҳсулот етиштириш билан боғлиқ ишларни ташкил қилишда корхонанинг машина ва ускуналарга, ишчи кучлари ва меҳнат харажатларига, ёкилғи ва мойлаш материалларига бўлган талаби, механизация ишларининг ҳажми, трактор ва қишлоқ хўжалиги машина ва ускуналарига бўлган талаб режалаштириладиган иш ҳужжати.

**Трактор ишларини бажаришнинг загон усули** - далани бир неча бўлақларга (тахталарга) бўлиб, иш бажариш усули.

**Устав фонди** - корхоналар фаолиятини таъминлаш учун таъсисчилар томонидан дастлаб киритиладиган ва кейинчалик кўпайтириб бориш мумкин бўлган, ҳажми корхонанинг уставига белгилаб қўйиладиган маблағ. Ширкат хўжаликларида пай фонди ва бўлинмас фонддан иборат бўлади.

**Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда ёки зарар** - асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ва минус кўрилган зарарлар сифатида аниқланади.

**Фавқулодда даромад (зарар)** - хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолиятдан аниқ фарқ қиладиган, яъни тез-тез ёки мунтазам содир бўлмайдиган воқеалар ёки битимлар натижасида юз берган даромадлар ёки харажатлар.

**Фермер хўжалиги** - ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқориши билан шуғулланувчи, аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган, юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритиш субъекти.

**Харажатлар** - ҳисобот даврида активларнинг камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайиши.



**Экин майдонлари таркиби** - жами экиш майдонида айрим турдаги экинлар майдонининг тутган салмоғи.

**Йилнинг соф фойдаси** - солиқ тўлагандан кейин хўжалик юритувчи субъект, яъни корхона (фирма) ихтиёрида қоладиган ҳамда хўжалик субъекти мустақил тасарруф этадиган фойда.

**Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)** – товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун пай усулга ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишига, бошқаришнинг умумийлигига асосланган, юридик шахс ҳуқуқига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

**Қўшимча иш ҳақи** – қўшимча меҳнат сарф қилиш, иш жараёнларини такомиллаштириш орқали қўшимча етиштирилган маҳсулот ёки юқори сифатли маҳсулот ҳамда шу маҳсулотларни етиштириш учун харажатларни тежаш эвазига тўланадиган иш ҳақи.

**Шўба корхона** - ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот.

**Ҳосилдорлик** – бир бирлик экин майдони (гектар, сотих ва бошқа) ҳисобига етиштирилган ҳосилнинг физик миқдори.

**Чорвачилик тизими** - чорва моллари сонини ўстириш ва сифатини яхшилаш, маҳсулдорлигини мунтазам ошириб бориш ҳамда маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларни камайтириш, умуман, чорва моллари ва чорвачилик воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш орқали уни энг самарали тармоққа айлантиришни таъминлайдиган ташкилий-иқтисодий, технологик ва техникавий тадбирлар йиғиндиси.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИ**



**“ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ  
ИҚТИСОДИЁТИ” ФАНИДАН РЕЙТИНГ  
ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ  
БАҲОЛАШ БЎЙИЧА**

**УСЛУБИЙ КЎРСАТМА**

## АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

“Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти” фани бўйича тайёрланган мазкур услубий кўрсатма Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 25 августдаги 333-сонли буйруғи билан амалга киритилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом”, 2010 йил 5 августда тасдиқланган “Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти” фани бўйича Намунавий дастур ҳамда ТДИУ “Иқтисодиёт” факультети Илмий Кенгашининг 2010 йил 28 августдаги 1-баённомаси билан тасдиқланган “Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти” фани бўйича Ишчи ўқув дастури асосида ишлаб чиқилган.

Ушбу услубий кўрсатмадан 5340000 – “Иқтисодиёт ва бизнес” таълим соҳаси бакалавриат босқичининг барча таълим йўналишлари (3-курс) талабаларининг “Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти” фанидан билимини назорат қилиш ва баҳолашда фойдаланиш тавсия этилади.

Шунингдек, услубий кўрсатмада “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида Низом” да келтирилган асосий вазифаларнинг қуйидагилари камраб олинган:

- ❖ талабаларда Давлат таълим стандартларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакалар шаклланганлиги даражасини назорат қилиш ва таҳлил қилиш;

- ❖ талабалар билими, кўникма ва малакаларини ҳаққонийлик, ишонччилик ва қулай шаклда баҳолашни таъминлаш;

- ❖ фанни талабалар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш;

- ❖ талабаларда мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ахборот ресурслари манбаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

- ❖ талабаларнинг фан бўйича комплекс ҳамда узлуксиз тайёргарлигини таъминлаш.

Йўналиш ишчи ўқув режасида фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси 142 соат бўлиб, шундан маъруза машғулотларига 20 соат, амалий машғулотларга 42 соат ва мустақил иш учун 80 соат ҳажмида режалаштирилган.

### **I. Назорат турлари ва уни амалга ошириш тартиби**

“Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти” фани бўйича талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакаларини аниқлаш ҳамда уларнинг ўзлаштириш даражаларини Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турларини ўтказиш назарда тутилади:

**1) Жорий назорат** – талабанинг фан мавзулари бўйича билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. Жорий назорат мазкур фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, машғулотларда қуйидагича амалга оширилади.

Талабанинг:

❖ мавзу бўйича қўйилган оғзаки саволларга (интерфаол шаклда) берган жавоби ва фаоллигини баҳолаш;

❖ олаётган билими, ўрганаётган ўқув материаллари ва вазифаларни бажариб бораётганлигини қайд қилиш мақсадида юритаётган конспектини текшириш;

❖ мавзулар бўйича мантиқий боғланган уй вазифаси ва топшириқларнинг бажарилганлигини текшириш;

❖ мустақил фикрлашга ҳамда аналитик қобилиятни шакллантиришга хизмат қиладиган ёзма эссе ва рефератларни химоя қилдириш;

❖ тестлар олиш;

❖ муаммоли вазият (кейс-стади), ўқув лойihalари ёхуд амалий топшириқ (масалалар)ларнинг ечими ва тақдимотини амалга ошириш.

**2) Оралиқ назорат** – университет ўқув жараёни жадвалига биноан ўтказиладиган, фаннинг бир неча мавзуларини ўз ичига олган, яъни фан ўқув дастурининг тегишли бўлими тугаллангандан сўнг талабанинг билим ва амалий кўникма даражасини аниқлаш ва баҳолаш усули. “Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти” фани бўйича оралиқ назорат 2010/2011 ўқув йили семестрининг 12 - ҳафтасида ўтказилади. Ушбу фан бўйича оралиқ назорат ёзма шаклда бўлиб, талабалар билимини баҳолаш учун тарқатиладиган вариантда учта назарий савол ва битта амалий масала (топшириқ)дан иборат бўлади. (Саволлар фаннинг хусусиятидан келиб чиқиб қўйилади. Зарурий ҳолларда тест усулидан ҳам фойдаланиш мумкин).

Оралиқ назорат саволлари янги ўқув йили бошида кафедра профессор-ўқитувчилари томонидан тузилиб, кафедра мажлисида муҳокама қилинади ва тасдиқланади. Тасдиқланган оралиқ назорат саволлари олдиндан талабаларга тарқатилади. Хусусан, “Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти” фанидан оралиқ назорат саволлари “Тармоқлар иқтисодиёти” кафедрасининг 2010 йил 28 августдаги 1- сон мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Оралиқ назоратни ўтказиш жараёни кафедра мудирини томонидан тузилган комиссия иштирокида даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиби бузилган ҳолларда, оралиқ назорат натижалари бекор қилинади ҳамда оралиқ назорат қайта ўтказилади.

**3) Якуний назорат** - семестр якунида муайян фан бўйича назарий ва амалий кўникмаларни талабалар томонидан ўзлаштирганлик даражасини баҳолаш усули. Мазкур фан бўйича якуний назорат семестрнинг охириги икки ҳафтаси мобайнида Ўқув-услубий бошқарма томонидан тузилган қатъий жадвал асосида белгиланган аудиторияда “Ёзма иш” шаклида ўтказилади.

## **II. Баҳолаш тартиби ва мезонлари**

“Дехқон ва фермер хўжалиги иқтисодиёти” фани бўйича талабаларнинг билим савияси, кўникма ва малакалари назорат қилишнинг рейтинг тизими асосида балларда ифодаланади.

Талаба мазкур фан бўйича йиғиши мумкин бўлган максимал балл – 100 балл бўлиб, у қуйидагича тақсимот қилинади:

– **зорий назорат – 50 балл;**

– **оралиқ назорат – 20 балл;**

– **якуний назорат – 30 балл.**

Фан бўйича жорий ва оралик назоратларга ажратилган умумий баллнинг 55 фоизи саралаш балл ҳисобланади. Ушбу фоиздан (55 фоиз) кам балл тўплаган талабалар якуний назоратга қўйилмайди.

Жорий ва оралик назорат турлари бўйича 55 ва ундан юқори бални тўплаган талаба фанни ўзлаштирган деб ҳисобланади ва ушбу фан бўйича якуний назоратга кирмаслигига ҳам йўл қўйилади.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган қоидаларга мувофиқ тўплаган баллари йиғиндисига тенг.

**Жорий назоратдаги баллар тақсимоти** (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича баҳолаш мезонлари):

№	Топшириқларнинг номланиши	Максимал йиғиш мумкин бўлган балл
<i>Маъруза машғулотида<sup>4</sup></i>		
<b>I.</b>	<b>Талабанинг мавзулар бўйича билимларини оғзаки (интерфаол шаклда) сўраш, берилаётган материал ва топшириқларнинг конспектлаштирганини баҳолаш, ш.ж.:</b>	<b>20 балл</b>
1.1.	Мавзу доирасида қўйилган саволларга берган жавоби ва мунозараларда ўз билим савиясини намоён этганлигига	10 балл
1.2.	Машғулотларда фаол қатнашганлиги ва ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни бажариб келганлиги ҳамда конспектни тўлиқ юритганига	10 балл
<i>Амалий машғулотларда</i>		
<b>II.</b>	<b>Мустақил таълим учун берилган топшириқларни баҳолаш, ш.ж.:</b>	<b>30 балл</b>
2.1.	Талабанинг мавзулар бўйича мантиқий боғланган ва мустақил бажарилган уй вазифаси ҳамда топшириқларни бажаришига	5 балл
2.2.	Мустақил фикрлашга ҳамда аналитик қобилиятни шакллантиришга хизмат қиладиган ёзма эссе, коллоквиум ва рефератларни ҳимоя қилишига	5 балл
2.3.	Фан бўйича мавзуларни камраб олган уч тоифали тестларни ечишига	10 балл
2.4.	Муаммоли вазият (кейс-стади) ёхуд амалий топшириқ (масалалар)ларни баҳолашга	10 балл
<b>Жами (I+II)</b>		<b>50 балл</b>

<sup>4</sup> Изох: Талабанинг маъруза машғулотида фаол иштироки учунгина балл берилади. Шунчаки келиб кетаётган талабаларга балл қўйилмайди. Уларга фақатгина дарсга келиб ўтирганликлари учун журналнинг биринчи томонига “к”, иккинчи томонига шу кун учун “+” ишораси қўйилади.

**Юқоридаги жадвалда келтирилган мустақил таълим учун берилган топшириқларни (2.1., 2.2., 2.3., 2.4. бандлар) амалий машғулотларда баҳолашда эътиборга олиниши лозим бўлган мезонлар:**

2.1. Талабаларни ҳар бир мавзуни назарий ва амалий ўрганганликларини баҳолаш мақсадида ва, албатта, мавзулар (бир нечта мавзуни қамраб олган)нинг мантиқий боғлиқлигини ҳисобга олиб, вазифа ёки топшириқлар (“Эксперт варағи” тарзида)ни тарқатиш. Талабалар мазкур топшириқни гуруҳ аъзолари, яъни сабоқдошлари билан ҳамкорликда мустақил тайёрлаб келадилар ҳамда амалий машғулот дарсида тайёрлаб келган вариантларини тақдим этадилар. Гуруҳ тақдимоти тугагандан сўнг талабалар ҳам мунозарада фаол қатнашиб мавзуга доир турли хилдаги саволлар билан муурожаат этишлари ва ўз фикрлари, тушунча, қарашларини баён этишлари учун имконият яратилиб берилади. Мазкур тартибда бошқа кичик гуруҳлар ҳам тайёрлаб келган материалларини бирма-бир ҳимоя қиладилар. Ҳамкорликда ишлаш қондасига кўра, гуруҳга берилган балл гуруҳ талабаларининг ҳам индивидул бали бўлиб ҳисобланади. Бундай топшириқ учун максимал – 5 балл берилиши мақсадга мувофиқдир;

2.2. Талабанинг фан бўйича эгаллаган билимларини чуқурлаштириш, уни мустақил фикрлашга ҳамда аналитик қобилиятини шакллантиришга хизмат қиладиган ёзма шаклдаги эссе ва реферат тайёрлаб келишга ундаш. Реферат ёки эссени тўлиқ талаб даражасида ҳимоя қилганда талабага максимал – 5 балл берилади;

2.3. Фаннинг барча мавзуларини қамраб олган тест топшириқларини ечиш. Тестларни мавжуд иқтисодий вазият ва ҳукм сураётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитларини инобатга олиб янгилаш ва керак бўлса замон талабига мос келмайдиган эскирган саволларни олиб ташлаган ҳолда амалий машғулот дарсида ҳар бир талабага индивидуал тарзда 40 та тест саволларини тарқатиб уларнинг билимини баҳолаш мумкин. Бунинг учун (тест саволлари) максимал балл сифатида – 10 балл берилиши кўзда тутилган.

2.4. Муаммоли вазият, кейс-стади, бошқотирма ёхуд амалий топшириқ (масала)ларни тайёрлаш. Мазкур топшириқ кичик гуруҳларга умумий биттадан, лозим бўлса, ҳар бир талабага индивидуал тарқатилади. Талаба берилган топшириқни мустақил ўрганади. Бунинг учун талаба ахборот ресурс марказларидан, интернет манбаларидан, корхоналарнинг статистик маълумотларини тўплаган ҳолда изланиб топшириқни бажаради ва ўқитувчи томонидан белгиланган аниқ вақтда топширади. Ушбу топшириқ учун ҳам максимал балл – 10 балл қилиб белгилаш жоиз.

Демак, талаба семестр давомида жорий назоратдан максималл **50** балл тўплаш имконига эга бўлади.

**Оралик назорат** ўқув-услубий бошқарма томонидан белгиланган муддат ва вақтларда (семестрнинг 12 ҳафтасида) ёзма иш шаклида 4 та топшириқдан иборат тарзда олинади.

*Мазкур назорат тури семестр давомида бир мартаба ўтказилади ва максимал **20** балл берилади.*

**Якуний назоратда баллар тақсимоти** (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича):

Жорий ва оралик назоратларга ажратилган умумий балнинг 55 фоизидан (38,5 балдан) юқори балл тўплаган талабага якуний назоратда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. Якуний назоратдаги вариантлар ҳар бир талабага такрорланмайдиган ҳолда алоҳида тузилиб, ҳар бири 5 та топшириқдан иборат бўлади.

Якуний назоратдаги ёзма ишларни баҳолаш мезонлари ҳар бир топшириқ учун максимал **6** балдан белгиланган.

**Талаба:**

**а) 26 - 30 балл** йиғиш учун 5 та топшириқни ҳам бажариши керак.

**б) 21 - 25 балл** йиғиш учун 4 та топшириқни тўлиқ, 5-топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.

**в) 17 - 20 балл** йиғиш учун 3 та топшириқни тўлиқ, 4-топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.

**г) 0 - 16 балл** тўплаши учун 2 та топшириқни тўлиқ ва 3-топшириқни қисман бажарган бўлиши лозим.

Талабанинг семестр давомида фан бўйича тўплаган умумий бали ҳар бир назорат туридан белгиланган коидаларга мувофиқ қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$UB = JN_1 + JN_2 + ON + YN$$

бу ерда:  $JN_{1,2}$  - биринчи ва иккинчи жорий назорат;  $ON$  – оралик назорат;  $YN$  – якуний назорат.

Ёзма ишларни профессор-ўқитувчилар икки кун давомида текшириб, баҳоларни эълон қилиши ва тегишли ҳужжатларда қайд этишлари лозим.

Талабанинг фан бўйича рейтинги қуйидагича аниқланади:

$$R_f = \frac{V * UB}{100}$$

бу ерда:  $V$  – семестрда фанга ажратилган умумий ўқув юкламаси (соатларда),  $UB$  – фан бўйича ўзлаштириш даражаси (балларда).

### **III. Назорат турларини ўтказиш муддати**

Оралик ва якуний назорат турлари календарь тематик режага мувофиқ деканат томонидан тузилган рейтинг назорат жадваллари асосида ўтказилади. Якуний назорат семестрнинг охириги 2 ҳафтаси мобайнида ўтказилади. Талаба фан бўйича курс лойиҳаси (иши)ни ушбу фан бўйича тўплаган баллари умумлаштирилишига қадар топшириши шарт.

Жорий назоратларда саралаш балидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириши учун навбатдаги шу назорат туригача, оралик назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Талабанинг семестрда жорий ва оралиқ назорат турлари бўйича тўпланган баллари ушбу назорат турлари умумий балининг 55 фоизидан кам бўлса ёки семестр якунида жорий, оралиқ ва якуний назорат турлари бўйича тўплаган баллари йиғиндиси 55 балдан кам бўлса, талаба академик қарздор ҳисобланади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, фан бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан уч аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади ва талабанинг баллари қайта кўриб чиқилади.

*Талабанинг назорат турлари бўйича эришган натижалари кафедра, деканат ва ўқув-услугий бошқармада компьютер хотирасига киритилиб, мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади.*



# Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

## I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
  2. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги 2004 йил 26 августдаги «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуни, «Халқ сўзи» газетаси, 2004 йил 15 октябр.
  3. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й
  4. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги қорхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», №2, 1999 йил.
  5. Ўзбекистон Республикасининг «Ер Кодекси». Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси» ва қишлоқ хўжалигига оид қонунлари, Тошкент, «Адолат», 1999.
  6. Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, Тошкент, «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси», №1, 1999 йил.
  7. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси ва қишлоқ хўжалигига оид қонун ҳужжатлари», Т.: «Адолат», 1999 й.
  8. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъерий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм., Тошкент, «Шарқ», 1998.
  9. Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат Кодекси». Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъерий ҳужжатлар тўплами. 2-қисм., Тошкент, «Шарқ», 1998.
  10. Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонуни. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъерий ҳужжатлар тўплами. 1-қисм, Тошкент, «Шарқ», 1998.
  11. Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июн.
  12. Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи», 1998 йил, 6 июн.
  13. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон янги қонунлари. Тошкент, «Адолат», 1993.
  14. Ўзбекистон Республикасининг «Мулк тўғрисида»ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ва фармонлари. Тошкент, «Адолат», 1992.

## II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

15. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги N ПҚ-1046 сон Қарори.
16. «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси

Президентининг 2008 йил 29 февралдаги ПҚ-805 сон Қарори.

17. “2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 27. 10. 2003.

18. “Қишлоқ хўжалиги ислохотларини чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. // Халқ сўзи, 24. 03. 2003.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармони, «Халқ сўзи», 2003 йил 28 октябр.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Лизинг фаолиятини ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2002 йил 28 августдаги Фармони, Халқ сўзи, 2002 йил 30 август.

### **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий ҳужжатлари**

21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» 607-сонли қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357 - сонли қарори ва шу қарор билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида НИЗОМ”

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 476-сонли Қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 5 ноябрдаги «Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 486-сонли Қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнес бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2000 йил 4 мартдаги 75-сонли Қарори, «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: «Ўзбекистон», 2002 й.

27. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 6 январ 1295- сон билан рўйхатга олинган «Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари

учун харид қилинадиган пахта ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом»

28. «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан молиявий лизингни ўтказиш тўғрисидаги 1999 йил 20 июлдаги 776-сонли Низом», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: Ўзбекистон, 2002.

29. «Тижорат банклари томонидан юридик шахс мақомини олиб фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари ва кичик бизнеснинг бошка субъектларини миллий ва чет эл валютасида микрокредитлаш тўғрисидаги 903-сонли Тартиб», «Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами», Т.: Ўзбекистон, 2002.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзқишлоқхўжаликмашҳолдинг» компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникасини лизингга олиш тартиби.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом (қўшимчалар ва ўзгартиришлар билан бирга).

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

32. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 80 б.

33. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.

34. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш» Т.: Ўзбекистон, 2005. -96 б.

35. Каримов И.А. Жамиятда тадбиркорлик руҳини қарор топтириш – тараққиёт гарови. Сайланма асарлар. 9-том. –Т.: Ўзбекистон, 2001. -432 б.

36. Каримов И.А. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги тадбирлари. Сайланма асарлар, 9-том. Т.: Ўзбекистон, 2001. - 432 б.

37. Каримов И.А. Иқтисодни эркинлаштириш–фаровонлик манбаи. Сайланма асарлар. Т.: - Ўзбекистон, 1996. - 380 б.

#### **V. Дарсликлар**

38. А.Аbdug'aniev, А.Аbdug'aniev. Qishloq xojaligi iqtisodiyoti. Darslik.-Т.: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2006. – 288 б.

39. Бородин К.С. Регулирование агропродовольственных рынков внешнеэкономический аспект. Учебник: -М.:ВИАПИ, 2005. -204 с.

40. Савицкая Г.В. Анализ производственно-финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий: Учебник. -М.: ИНФРА, 2005. -368 с.

41. Ключко Л.Н. Сельскохозяйственная кооперация. Практикум: Учебник. -М Дашкова и К°, 2003. - 480 с.

42. Абдуғаниев А., Абдуғаниев А.А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти: Дарслик. - Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2004. -304 б.

43. Салимов Б.Т. ва бошқалар. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди: Дарслик. -Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси, 2004, - 176 б.

44. Ҳамдамов Қ.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш. Дарслик: -Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт Жамғармаси нашриёти, 2004. - 191 б.

45. Зокиров О., Пардаев А. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти: Дарслик. -Т.: ЎАЖБНТ Маркази, 2003. - 456 б.

46. Минаков И. Экономика сельскохозяйственного предприятия: Учебник. -М.: Колос, 2004. - 314 с.

47. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства: Учебник: -М.: ЮРКНИГА, 2004. -392 с.

48. Петранова Г.А. Экономика и управление в сельском хозяйстве. Учебник: -М.: Академия, 2003. -296 с.

49. Савитская Г.В. Анализ производственно-финансовой деятельности сельскохозяйственных предприятий. Учебник: -М.: ИНФРА, 2003. -284 с.

50. Конаков М.А. Организация и экономические основы фермерских хозяйств: Учебное пособие. - М.: Академия, 2004. -346 с.

#### **VI. Ўқув қўлланмалар**

51. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 б.

52. Кандиус В.А. Экономика агропромышленного комплекса: Учебное пособие. -М.: Кнорус, 2010. – 544 с.

53. Salimov B.T., Yusupov M.S. Dehqon va fermer xo'jaliklari iqtisodi: O'quv qo'llanma -Т.: Adib, 2009. - 320 б.

54. Салимов Б.Т., Юсупов М.С. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди: Ўқув қўлланма -Т.: РАМ-С, 2007. - 302 б.

55. Канонов М.А., Канонов А.П. Организация и экономические основы фермерских хозяйств: Учебной пособие. -М.:АСАДЕМА, 2004. – 353 с.

#### **VII. Статистика тўпламлари маълумотлари**

56. Сельское хозяйство Республики Узбекистан 2009. Статистический сборник. – Т.: Госкомитет РУз по статистике, 2009, - 160 с.

57. Инвестиции республики Узбекистан 2009.– Т.: 2009. – 148 с

#### **VIII. Интернет сайтлари**

58. Коваленко Н.Я. Экономика сельского хозяйства, М. «Юркнига». 2004 <http://shopper.h1.ru/books.shtml1o'topic935&pageк1>

59. Экономика и управление в сельском хозяйстве, 2003, <http://psbatishev.narod.ru/library/03762.htm>

60. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)

61. University of Hawaii at Hilo – Agroecology and Environmental Quality Program. [www.uhh.hawaii.edu](http://www.uhh.hawaii.edu)
62. Московская сельскохозяйственная академия. [www.ecfak.timacad.ru](http://www.ecfak.timacad.ru)
63. Институт Агроэкономики и Бизнеса Приамурский. [www.admin.ru](http://www.admin.ru)

**ТОЛЛИБОЙ ИСМОИЛОВИЧ ЖЎРАЕВ,  
НАФАС ИНАТОВИЧ ЎРАҚОВ,  
ГОЛИБ ТЎРҒУНОВИЧ ЮЛДАШЕВ**

**“ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ  
ИҚТИСОДИЁТИ” ФАНИДАН  
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Техник муҳаррир А.Маляр  
Компьютер графикаси Н.Хомидов

Босишга рухсат этилди 02.09.2010 йил.  
Қоғоз бичими 60x84 1/8.  
Times TAD гарнитураси. Нашр б.т. 30.  
Шартнома № 692 – 2010. 100 нусхада Буюртма № \_\_\_\_\_

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги  
“Иқтисодиёт” шашриёти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49.

